



ISSN: 2181-3310

MUTAFAKKIR

Scientific Journal / Научный журнал / Илмий журнал

№ 11 Mart (2023)

11-son



INDEX COPERNICUS
INTERNATIONAL

Bosh Muharrir:
Shohinur Mirzayev

Tahrir hay'ati
Baxtinur Xudanov
Akbar Elmurodov
Shuhrat Ziyadullayev
Muxtor Xudoyqulov
Ulug'bek Vohidov
Murod Abulkasimov

ALISHER NAVOIY
NOMIDAGI O'ZBEKISTON
MILLIY KUTUBXONASI

Kitob va turkum
nashrlarga ISBN va ISSN
raqamlarni birlashtirish
to'g'risida

MA'LUMOTNOMA

Turkum nashrlarning chiqish ma'lumotlarini GOST 7.4-95 «Nashrlar. Chiqish ma'lumotlari» hamda GOST 7.56-2002 «Xalqaro standart turkum raqami» davlatlararo standartlar talablari asosida bo'lishini to'liq ta'minlash maqsadida, Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston Milliy kutubxonasi va «Mutafakkir» 1ta 2022 yil 11-apreldagi № ISSN-C-35583 sonli hisob-kitob shartnoma va 2022 yil 19-aprel yildagi № ISSN-I-35583 schet-fakturaga asosan turkum nashrlarini ISSN bilan belgilash uchun quyidagi raqamni taqdim etadi:

Turkum nashrning nomi:
Мутафаккир
ISSN raqam: 2181-3310
Turkum nashrlarning turi:
электрон нашр

Ushbu jurnal O'zbekiston Respublikasi Oliy Attestatsiya komissiyasining ilovasida mavjud bo'lgan xalqaro indeksatsiya **index copernicus** bazasiga kiritilgan. OAK ilmiy nashrlarda chop etilgan maqola sifatida qabul qilinadi.

Asos: O'zbekiston Respublikasi Oliy Attestatsiya komissiyasining dissertatsiyalar asosiy ilmiy natijalarini chop etish tavsiya etilgan ilmiy nashrlar ro'yxati

¹ Maqola chop etilgan paytda xalqaro miqyosda faoliyat kўrsatadigan kuyidagi iйirik nashriётлар ёки maълumotлар bazasi asosida «импакт-фактор»га эга бўлган илмий журналларда нашр этилган maқолалар mazkur Рўйхат таркибига киритилган илмий журналларда chop этилган илмий maқолалар сифатида қабул қилинади: (1) Web of Science (Web of Knowledge), (2) Journal Impact Factor, (3) Scopus, (4) Journal Citation Reports, (5) Global Impact Factor, (6) International Impact Factor Services, (7) Agris, (8) Chemical Abstracts CAS, (9) GeoRef, (10) PubMed, (11) Springer, (12) Index Copernicus, (13) Bielefeld Academic Search Engine, (14) ResearchBib, (15) Directory of Research Journals Indexing, (16) Directory Indexing of International Research Journals-CiteFactor, (17) Open Academic Journals Index, (18) Ulrich's Periodicals Directory, (19) Scientific Indexing Services, (20) General Impact Factor, (21) InfoBase Index, (22) International Society for Research Activity, (23) Scientific Journal Impact Factor, (24) Scientific Research Publishing Inc, (25) Directory of Open Access Journals, (26) Academic Journals Database, (27) Academic One File, (28) Advanced Science Index, (29) Anthropological Index Online, (30) Anthropological Literature, (31) Anthropology Plus, (32) Asian Education Index, (33) Bibliography of Asian Studies, (34) Compendex, (35) CrossRef, (36) HINARI, (37) Hindawi, (38) Libraries Resource Directory, (39) Impact Factor Search, (40) ResearchGate, (41) SCImago, (42) Scisearch, (43. z/x) Universal Impact Factor.

Шунингдек, жаҳоннинг икки юзта энг яхши олий таълим муассасаси рўйхатидаги олий таълим муассасалари томонидан chop этилган илмий ишлар ва maқолалар тўпламида нашр этилган илмий maқола (material)лар mazkur рўйхатга киритилган илмий nashrlarda chop этилган maқолалар сифатида қабул қилинади.

RESPUBLIKADA UY-JOY FONDINI BOSHQARISH SAMARADORLIGI VA SIFATINI OSHIRISH MASALALARI

dotsent Rahimov Qodir Ergashevich

Toshkent arxitektura – qurilish universiteti

Kalit soʻzlar: turar joy, uy-joy fondi, uy-joy mulkdorlari, uy-joy fondini boshqarish, xususiy uy-joy fondi, koʻp kvartirali uy, uy-joy siyosati, boshqarish tizimi, boshqarish usullari, boshqaruvchi tashkilot.

Ключевые слова: жилье, жилищный фонд, собственники жилья, управление жилищным фондом, частный жилищный фонд, многоквартирный дом, жилищная политика, система управления, способы управления, управляющая организация.

Keywords: housing, housing stock, homeowners, housing management, private housing, apartment building, housing policy, management system, management methods, managing organization.

Annotatsiya. Maqolada uy-joy fondini boshqarish tizimi bilan bogʻliq masalalarga tavsif berilgan. Prezidenti tomonidan uy-joy kommunal xizmat koʻrsatish sohasiga oid bir qancha farmon va qarorlar, hukumat qarorlari, xususan koʻp kvartirali uylarni boshqarish bilan bogʻliq yangi qonun va meʼyoriy-huquqiy hujjatlarning qabul qilinishi, ularning mazmun-mohiyati yoritilgan hamda tahlillar asosida uy-joy fondini boshqarish sifati va samaradorligini oshirish bilan bogʻliq sohadagi mavjud muammolar va ularning yechimi yuzasidan takliflar berilgan.

Аннотация. В статье рассмотрены вопросы, связанные с системой управления жилищным фондом. Уточнены ряд указов и постановлений в сфере жилищно-коммунального хозяйства, постановления правительства, в частности, принятие новых законов и постановлений, связанных с управлением многоквартирными домами Президентом, уточнены их содержание и сущность, а также качество управление жилым фондом на основе анализа и существующих проблем в сфере, связанных с повышением эффективности и даны предложения по их решению.

Abstract. The article deals with issues related to the housing stock management system. A number of decrees and resolutions in the field of housing and communal services, government resolutions, in particular, the adoption of new laws and resolutions related to the management of apartment buildings by the President, have been clarified, their content and essence, as well as the quality of housing stock management based on analysis and existing problems in areas related to efficiency improvement and proposals for their solution are given.

Kirish. Aholining uy-joyga boʻlgan ehtiyojini qondirish har qanday davlatning ijtimoiy-iqtisodiy siyosatining ustuvor vazifalaridan biridir.

Uy-joy - bu odamning xavfsizlikka boʻlgan ehtiyojini, ertangi kunga ishonchini taʼminlaydigan, shaxsning davlatga boʻlgan munosabatini shakllantiradigan, barqarorlik va konstitutsiyaviy huquqlarning kafolati boʻlgan, ijtimoiy-iqtisodiy va innovatsion muhitda insonning xulq-atvoriga taʼsir koʻrsatadigan asosiy elementdir [11].

Oʻzbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoev 2020-yil 24-yanvarda Oliy Majlisga yoʻllagan Murojaatnomasida “Mening eng katta niyatim shuki, Vatanimiz ichra har bir inson oʻzining “kichik vatani” ga – uy-joyiga ega boʻlsa, bizdan xalqimiz ham, Yaratgan ham rozi boʻladi.” [4] va 2022-yil 20-dekabr kuni Oliy Majlis va Oʻzbekiston xalqiga Murojaatnomasida, “... Konstitutsiyamizga

aholining munosib hayot kechirishi va uy-joyga ega bo'lishi to'g'risidagi yangi moddalarni kiritish lozim, deb hisoblayman.

Aholi uchun yangi uy-joylar qurish hajmini 1,5 barobar oshirib, 90 mingga yetkazamiz...” [5], deya alohida ta'kidlab o'tganligi, O'zbekistonda uy-joy siyosatiga jiddiy qaralayotganligining yaqqol dalilidir.

Respublikada davlat uy-joy fondining xususiylashtirilishi natijasida ularning amaldagi boshqaruv tizimi, asosan, davlat hokimiyati organlari tomonidan tashkil etildi. Bu esa, mulkdorlarda uy-joy mulkdorlari shirkati o'zlarining manfaatli tashkiloti emas, balki yangi nom ostidagi sobiq Uy-joy ekspluatatsiya idorasi degan qarashga olib keldi. Buning oqibatida, aholining aksariyat qismi bugunga qadar uy-joylaridagi umumiy mulkka nisbatan o'z huquq va majburiyatlarini yaxshi bilmaydilar, o'zlarining shirkat boshqaruvidagi o'rni hamda boshqaruv sifatini yaxshilashdagi rolini to'liq anglamaydilar. Shu jihatdan ham, bugungi kunda respublikada uy-joy fondini samarali boshqarish tizimini takomillashtirish muhim masalalardan hisoblanadi [15].

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022-yil 28-yanvardagi “2022 - 2026 yillarga mo'ljallangan Yangi O'zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to'g'risida”gi PF-60-son Farmonining 1-ilovasiga muvofiq tasdiqlangan “2022 - 2026 yillarga mo'ljallangan Yangi O'zbekistonning taraqqiyot strategiyasi”ning 33-maqсадida “Aholini joylashtirishning bosh sxemasini ishlab chiqish. Renovatsiya va uy-joylar dasturlari asosida shaharlarda eskirgan uylar o'rniga 19 million kvadrat metrdan ortiq zamonaviy uy-joylarni barpo etish, 275 mingdan ziyod oilaning yangi massivlarga ko'chib o'tishi uchun sharoit yaratish” masalasi dolzarb vazifalar qatoridan o'rin olgan [3]. Mazkur vazifalarning muvaffaqiyatli ijrosi mamlakatimizda uy-joy fondini samarali boshqarish tizimini takomillashtirishni talab etadi.

Mavzuga oid adabiyotlarning tahlili

Mazkur sohada olib borilgan ilmiy izlanishlarga murojaat qilinganda MDH davlatlarida bir qancha olimlarning, jumladan S.A.Kirsanov, M.N.Lomova, K.S.Stepayev [8,9,13]larning ilmiy ishlarida uy-joy fondidan samarali foydalanish va boshqarishni tashkil etish imkoniyatlari tadqiq etilgan.

Shuningdek, mahalliy olimlar tomonidan respublika iqtisodiyotni modernizatsiya va diversifikatsiya qilish sharoitida uy-joy fondini saqlash, xizmat ko'rsatish, uni samarali ekspluatatsiyasi va boshqarish tizimini takomillashtirishning ayrim jihatlari o'rganilgan. Xususan, R.I.Nurimbetov, V.U.Yodgorov va I.X.Davletov [7,11,14]larning ilmiy ishlari shular jumlasidandir. Shuningdek, mazkur sohada faol ilmiy izlanishlarni olib borayotgan tadqiqotchi T.A.Hasanov[15], shuningdek amaliyotchilardan A.X.Nabiyev, K.A.Tantibayeva va N.M.Vishnevskayalarning tahliliy ishlarida ham mamlakatda xususiy uy-joy fondini saqlash va uni boshqarish tizimini takomillashtirishga doir taklif va tavsiyalar keltirilgan [6,10].

Tadqiqot metodologiyasi

Maqolada ilmiy mushohada, statistik, qiyosiy va tizimli tahlil, analiz va sintez, induksiya va deduksiya usullaridan foydalanildi.

Tahlil va natijalar

Rivojlangan xorijiy davlatlarda uy-joy fondini boshqarish sohasida olib borilgan ilmiy tadqiqotlarda asosiy e'tibor mazkur soha boshqaruv faoliyatining sifati va samaradorligini oshirish, xususan, uy-joy fondini boshqarish tizimini nomarkazlashtirish va boshqaruvda davlat ishtirokini kamaytirishga qaratilmoqda.

Uy-joy fondini boshqarish tizimi – insonlarni ehtiyoji doirasida uy-joy qurilishini ta'minlash va ularni taqsimlash, uy-joy fondidan foydalanish va uni saqlash bilan o'zaro bog'liq bo'lgan va bir-biriga ta'sir ko'rsatuvchi, yagona bir yaxlitlikni shakllantiruvchi resurslar (uy-joy fondining gaz ta'minoti, elektr ta'minoti, issiqlik ta'minoti va boshqalar) va uy-joy fondi subyektlarining majmuidir [12].

Respublikada uy-joy fondining amaldagi boshqarish sifati va uning samaradorligi qay darajada


ekanligi yuzasidan olib borilgan izlanishlar va aholi o‘rtasida o‘tkazilgan so‘rovnoma tahlillari natijasida bir qator kamchilik va muammolar aniqlangan. Masalan, mulkdorlarning uy-joy fondini boshqarishga oid qonun va me‘yoriy-huquqiy hujjatlarni yetarli darajada bilmasliklari, ularning boshqaruvdagi ishtiroki sustligi yoki bo‘lmasa unda ishtirok etishni xohlamasliklari, uy-joy fondini boshqaruvchilar (boshqaruvchi tashkilot, shirkat va boshqalar) ham o‘z faoliyatini to‘la qonli hamda professional darajada tashkil etmaganligi, aholi o‘rtasida uy-joylarning umumfoydalanish qismlariga o‘z mulki kabi qarash va asrash bo‘yicha tashviqot-targ‘ibot hamda tushuntirish ishlarining yetarli darajada olib borilmasligi, shirkatlar moliyaviy-xo‘jalik faoliyatidagi ochiqlik va shaffoflikning yetarli emasligi, xususan, uy-joy mulkdorlari tomonidan yig‘ilgan badallardan maqsadsiz foydalanish hollari va boshqalarni qayd etib o‘tish mumkin. Bu ham o‘z navbatida uy-joy mulkdorlari va boshqaruvchilar o‘rtasida o‘zaro ishonchsizlik munosabatlari shakllanishiga hamda respublikada uy-joy fondini boshqarishda salbiy natijalarga olib kelishi mumkin.

Shu boisdan, bugungi kunda uy-joy fondini boshqarishda rivojlangan davlatlar tajribalari asosida zamonaviy bozor mexanizmlarini qo‘llash, shuningdek, davlat-xususiy sheriklik asosida ko‘p kvartirali uy-joy fondiga xizmat ko‘rsatishning yangi bozor mexanizmlarini joriy etish, xususan boshqaruvchi tashkilotlar va boshqa tadbirkorlik subyektlari faoliyatidan foydalanish amaliyotini respublika miqyosida keng qo‘llash masalalari ham muhim ahamiyatga egadir.

Uy-joy fondi murakkab va o‘ziga xos boshqaruv obyekti hisoblanib, avvalo, har bir turar joy holatidan kelib chiqib, turlicha boshqaruv usulini talab etishi bilan xarakterlanadi. Ya‘ni, turar joy binolari turlicha konstruktiv va rejalashtirish xarakteristikasiga va o‘z navbatida, eskirish darajasiga ega bo‘lishi mumkin. Bunday holatlarda, bu kabi binolarni boshqarishda ularning o‘ziga xosligidan kelib chiqib, turli xil yondashuvlar talab etiladi [15].

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2016-yil 21-oktabrdagi “2017-2021 yillarda qishloq joylarda yangilangan namunaviy loyihalar bo‘yicha arzon uy-joylar qurish dasturi to‘g‘risida”gi PQ-2639-sonli qarori, 2016-yil 22-noyabrdagi “2017–2020 yillarda shaharlarda arzon ko‘p kvartirali uylarni qurish va rekonstruksiya qilish dasturi to‘g‘risidagi”gi PQ–2660-sonli, 2018-yil 24-noyabrdagi “Qishloq joylarda va fuqarolarning ayrim toifalari uchun arzon uy-joylar qurishni kengaytirishga oid qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi PQ-4028-sonli qarorlari, shuningdek “Obod qishloq” va “Obod mahalla” dasturlari asosida respublikamizda aholi sonining doimiy o‘sib borishiga mutanosib ravishda shahar va qishloq joylarda arzon turar joylar barpo etish ishlari izchil davom ettirilmoqda. Mazkur qaror va dasturlarda belgilangan vazifalar ijrosining ta‘minlanishi, o‘z navbatida respublika uy-joy fondining o‘sishini ta‘minlaydi.

Statistik ma‘lumotlarga qaraganda, hozirgi paytda respublikada uy-joy fondining umumiy maydoni 636.4 mln. m² ni tashkil etadi (01.01.2022-y. holatiga), shu jumladan xususiy uy-joy fondi 633.1 mln. m² (99,5 %) va davlat uy-joy fondi esa 3,3 mln. m² (0,5%) ni tashkil etadi (1-rasm).




1-rasm. 2014-2021 yillarda respublikada uy-joy fondining o‘sish dinamikasi (mln. m² da)¹

Respublikada demografik o‘sish darajasi saqlanayotganligi bois uy-joy qurilishi va rekonstruksiya ishlari ko‘lami, shuningdek, aholining uy-joyga bo‘lgan talabini qondirish va yashash sharoitlari yanada yaxshilanishida ipoteka krediti va tegishli imtiyozlar asosida uy-joylarni xarid

1 O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi statistika agentligi ma‘lumotlari asosida tuzilgan.


qilish imkoniyatlarini kengaytirishga alohida e'tibor qaratilmoqda. Bu ham o'z navbatida aholi jon boshiga to'g'ri keladigan o'rtacha yashash maydonining o'sishiga olib keladi. Ushbu ko'rsatkich 2014-2021 yillarda nisbatan o'sgan bo'lib, 2014-2015 yillardagi 15,2 m² dan 2021-yil yakunida 18,2 m² ga oshgan (2-rasm).



2-rasm. 2014-2021 yillarda respublikada bir kishiga to'g'ri keladigan o'rtacha yashash maydoni (m² da) ²

Aholi jon boshiga to'g'ri keladigan o'rtacha yashash maydonini respublika hududlari kesimida 2018-2021 yillardagi holatini tahlil qiladigan bo'lsak, eng yuqori o'sish Farg'ona viloyatida bo'lib, 2018 yildagi 13,3 m² dan 2021 yil yakuniga kelib 20,3 m² ga yetgan, ya'ni o'sish ko'rsatkichi 7m² ni tashkil etgan. Qoraqalpog'iston Respublikasi va Qashqadaryo viloyatida pasayish ko'rsatkichlari qayd etilgan bo'lib, mos ravishda -2,2 m² va -0,2 m² ni tashkil etgan (3-rasm)³.

O'zbekiston Respublikasi Uy-joy kodeksining 42-moddasida, uy-joy maydonining ijtimoiy normasi bir kishi hisobiga o'n olti kvadrat metrdan kam bo'lmagan umumiy maydon hajmida, kreslo-aravachada harakatlanadigan nogironlar uchun esa – yigirma uch kvadrat metrdan kam bo'lmagan hajmda belgilangan [1]. 3-rasmda keltirilgan tahliliy ma'lumotlardan ko'rinadiki, Andijon va Surxondaryo viloyatlarida bu ko'rsatkich yuqoridagi hujjatda belgilangan normadan 2,1 m² kamroq ko'rsatkich qayd etilgan.



2 O'zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi statistika agentligi ma'lumotlari asosida tuzilgan.

3 O'zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi statistika agentligi ma'lumotlari asosida tuzilgan.

3-rasm. 2018-2021 yillarda respublika hududlarida kishi boshiga to‘g‘ri keladigan o‘rtacha yashash maydonining o‘zgarish dinamikasi tahlili diagrammasi, m²

Yuqorida keltirilgan muammolarni hal etish, ko‘p kvartirali uylarni boshqarish sohasidagi munosabatlarni yanada tartibga solish, ko‘p kvartirali uy-joy fondini saqlash, undan foydalanish va ta‘mirlash sohasidagi bozor mexanizmlarini davlat-xususiy sheriklik shartlari asosida bosqichma-bosqich joriy etish masalalari davlat siyosati darajasiga ko‘tarildi. Jumladan, O‘zbekiston Respublikasining 2019-yil 7-noyabrdagi 56 ta moddadan iborat “Ko‘p kvartirali uylarni boshqarish to‘g‘risida”gi O‘RQ-581-son Qonuni [2], O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021-yil 19-iyundagi “Ko‘p kvartirali uy-joylarni boshqarish tizimini yanada takomillashtirish to‘g‘risida”gi PQ-5152-sonli, 2022-yil 4-avgustdagi “Ko‘p kvartirali uylarni boshqarish tizimini yanada takomillashtirish va boshqaruvchi tashkilotlarni moliyaviy sog‘lomlashtirish borasidagi qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi PQ-346-son qarorlari hamda O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining bir nechta qarorlari qabul qilindi.

“Ko‘p kvartirali uylarni boshqarish to‘g‘risida”gi Qonunga muvofiq ko‘p kvartirali uyni boshqarish:

- bevosita joylarning mulkdorlari tomonidan;
- yuridik shaxs bo‘lgan boshqaruvchi tashkilot yoki jismoniy shaxs bo‘lgan boshqaruvchi tomonidan shartnoma asosida;
- uy-joy mulkdorlari shirkati bo‘lgan notijorat tashkilot tomonidan amalga oshirilishi mumkinligi belgilangan [2].

Bugungi kunda ko‘plab shirkatlar boshqaruvi va mulkdorlari o‘rtasidagi moliyaviy-tashkiliy munosabatlar “yopiq” tizim asosida kechmoqda. Uy-joy mulkdorlari mablag‘larining qaerga, qanday, qanchadan sarflanayotganligini bilmasligi, shuningdek, shirkat boshqaruvi ham o‘zboshimchalik bilan mablag‘larni o‘rinsiz sarflagan holda zaruriy ishlarni o‘z vaqtida bajarimaslik holatlari aniqlanmoqda. Natijada, uy-joy fondini saqlash va undan oqilona foydalanish qoniqarsiz holatga kelib, uy-joy mulkdorlarning noroziligiga sabab bo‘lmoqda.

Xulosa va takliflar

Xulosa o‘rnida ta‘kidlash joizki, uy-joy kommunal xizmat ko‘rsatish sohasidagi tarkibiy o‘zgarishlar, xususan sohaga oid yangi qonun va me‘yoriy-huquqiy hujjatlarning qabul qilinishi, korxonalar va tashkilotlar moddiy-texnika bazasi takomillashishi va ular faoliyati samaradorligini oshirish, ularni malakali mutaxassislar bilan ta‘minlash va boshqa shu kabi muhim vazifalarni tizimli ravishda amalga oshirilishi pirovardida respublikada kommunal xizmatlar ko‘rsatish sifati, aholi turmush darajasi va yashash sharoitining yanada yaxshilanishi ta‘minlanadi.

Yuqorida keltirilgan muammolarni bartaraf etish hamda respublikada uy-joy fondini boshqarish samaradorligi va sifatini oshirish maqsadida quyidagi takliflarning amalga oshirilishini maqsadga muvofiq deb o‘ylaymiz:

- aholi o‘rtasida uy-joy fondini, xususan, ko‘p kvartirali uylarni boshqarish bevosita joy egalari, shirkat va boshqaruvchi tashkilot (professional boshqaruv kompaniyasi) yoki xususiy tadbirkorlar tomonidan amalga oshirilishi, shuningdek ularning bu boradagi asosiy faoliyat yo‘nalishlari va vazifalari hamda ushbu jarayonlarni tartibga soluvchi me‘yoriy-huquqiy hujjatlar mazmun-mohiyati haqida tizimli ravishda tushuntirish ishlarini olib borish;

- uy-joy fondini boshqarish bo‘yicha malakali kadrlarni tayyorlash va qayta tayyorlash tizimini yo‘lga qo‘yish;

- uy-joy mulkdorlari majburiyatlarini o‘z vaqtida bajarilishini ta‘minlash mexanizmini ishlab chiqish va ularni amaliyotga tadbir etib borish;

- uy-joylarga xizmat ko'rsatuvchilar (boshqaruv kompaniyasi, shirkat va h.k.) saytini yaratish, har bir joy mulkdori elektron manzilini ochish va ular bilan uzviy aloqa o'rnatish uchun interaktiv xizmatlarni joriy etish;

- uy-joy fondini boshqarish tizimiga zamonaviy axborot-kommunikasiya texnologiyalarini keng joriy etish;

- ochiqlik va shaffoflikni ta'minlash, mulkdorlarga tezkor ma'lumotlar etkazish, masofadan turib ma'lumotlar bazasiga kirish va boshqaruvchilarga o'z fikrlarini berishni tashkil etish maqsadida telegramm kanallari va botlarini tashkil etish;

- uy-joy fondini boshqarish tizimini takomillashtirishda xorijiy rivojlangan davlatlar tajribalarini chuqur o'rganish va tahlillar asosida, ularning maqbul jihatlari amaliyotga tadbiiq etib borish.

Yuqorida keltirilgan takliflarni amalga oshirilishi uy-joy fondini boshqarish tizimiga professional kadrlarning kirib kelishi, tizimda ochiqlik va shaffoflikning ta'minlanishi uy-joy mulkdorlari va uy-joy fondini boshqaruvchilari o'rtasida o'zaro ishonchli hamkorlikning yanada rivojlanishiga zamin yaratadi. Bu esa o'z navbatida sohada boshqarish tizimi samaradorligi va ko'rsatilayotgan uy-joy kommunal xizmatlar sifatining yanada oshishiga olib keladi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati

1. O'zbekiston Respublikasining Uy-joy kodeksi <https://lex.uz/docs/106136>
2. O'zbekiston Respublikasining 2019-yil 7-noyabrdagi "Ko'p kvartirali uylarni boshqarish to'g'risida" gi O'RQ-581-son Qonuni. www.lex.uz
3. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022-yil 28-yanvardagi "2022 — 2026 yillarga mo'ljallangan Yangi O'zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to'g'risida"gi PF-60-son Farmoni
4. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning 2020-yil 24-yanvardagi Oliy Majlisga Murojaatnomasi. <http://uza.uz>.
5. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning 2022-yil 20-dekabr kuni Oliy Majlis va O'zbekiston xalqiga Murojaatnomasi. <https://president.uz>
6. Vishnevskaya N.M. Uy-joy mulkdorlari shirkati tashkil etish va faoliyati bo'yicha tavsiyalar. - Toshkent, 2006.
7. Davletov I.X., Temirov J.A. Respublikada ko'p xonadonli uy-joy fondiga xizmat ko'rsatish tizimidagi ayrim masalalar // Iqtisod va moliya.- Toshkent, 2018. - №10(118). - 25-31 betlar.
8. Кирсанов С.А. Зарубежный опыт управления многоквартирными домами // ЖКХ: журнал руководителя и главного бухгалтера, № 10, 2011.
9. Ломова М.Н. Экономическая наука и практика. / Материалы международной научной конференции, Россия, г.Чита, феврал 2012г.
10. Nabiyev A.X., Tantibayeva K.A. // Uy-joy mulkdorlari shirkati faoliyatiga oid savollarga javoblar. Toshkent. 2006.
11. Nurimbetov R.I., Davletov I.X. va boshq. O'zbekistonda uy-joy fondini boshqarish va undan foydalanishni takomillashtirish masalalari // Arxitektura.Qurilish.Dizayn. - Toshkent, 2018. – №1-2. - 135-139 betlar.
12. Rahimov Q.E. Uy-joy fondini boshqarish. Darslik.-Toshkent:TAQI, 2020.-235 b.

13. Степаев К.С. Управление многоквартирным домом – зарубежный опыт и российская специфика // Российское предпринимательство - № 6. - Вып. 1 (185). -2011. - стр. 161-166.
14. Uy-joy kommunal xo'jaligi iqtisodiyoti va boshqaruvi: darslik / V.Yodgorov, D. Butunov; O'zbekiston Respublikasi Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi; Toshkent arxitektura-qurilish instituti. - Toshkent: Noshir, 2012.-400 b.
15. Hasanov T.A. O'zbekistonda xususiy uy-joy fondini boshqarish tizimini takomillashtirish: iqt. fan. bo'yicha fal. dok.diss.avto-ref. - T.: "Akademiya nashirlik markazi" DUK, 2019. - 48 b.

ТУРАР ЖОЙ БИНОЛАРИНИ БАҲОСИНИ АНИҚЛАШДА
Фойдаланиладиган асосий ёндашувлар ва усуллар

Тошкент архитектура-қурилиш университети

и.ф.н профессор Маманазаров О.Ш

Тошкент архитектура-қурилиш университети

талаба Тохирова Рисолат Абдушукур қизи

Аннотация: Мақолада турар жой биноларини баҳосини аниқлашда фойдаланиладиган асосий ёндашувлар ва усуллар, кўчмас мулк қийматини баҳолашнинг назарий асослари ва замонавий концепциялари таҳлил қилиниб, кўчмас мулк таснифи, тавсифи, кўрсаткичлари ва хусусиятлари очиқ берилган ҳамда ўрганилган.

Калит сўзлар: кўчмас мулк, қайта баҳолаш, қиймат, бинонинг жисмоний емирилиши, дисконтлаш.

Аннотация: В данной статье изучены и раскрыты основные подходы и методы, применяемые при определении цены жилых зданий, теоретические основы и современные концепции об оценке недвижимости, а также классификация, описание, показатели и характеристики недвижимости.

Ключевые слова: недвижимость, переоценка, стоимость, физическое разрушение здания, дисконтирование.

Annotation: The given article explores and reveals the main approaches and methods used in determining the price of residential buildings, the theoretical foundations and modern concepts of real estate valuation, as well as the classification, description, indicators and characteristics of real estate.

Keywords: immovables, revaluation, value, physical destruction of the building, discounting.

Кўчмас мулкни баҳолашдаги бош муаммо – бу асос сифатида объектнинг ўтмиши ва ҳозирги аҳволи тўғрисидаги маълумотларни аниқлаш ва келгуси ҳолати борасида мақбул башоратларни топишдир. Баҳо беришда бу ёндашувлар

бир-бирини истисно қилмай, балки ўзаро тўлдиради ва улардан ҳар бири бир неча усулларни бирлаштиради.


Бу усулларни ҳисоб-китобларини бажариш жараёнига нисбатан ўз ёндашувлари бўйича таснифлаш мумкин (1-расм).

Мутахассислар амалиётида кўчмас мулкни баҳолаш усулларининг учта асосий гуруҳи қўлланилади:

- 1) харажатли ёндашув;
- 2) даромадли ёндашув;
- 3) қиёсий ёндашув.

1. Харажатли ёндашув. Харажатли ёндашиш ўз ичига бир неча усулларни олади. Жумладан:

-баланс қиймати усули ва тузатилган баланс қиймати усули;



1-расм. Кўчмас мулкни баҳолаш борасидаги асосий ёндашувлар ва усуллар[6]

- ўриндошлик усули;
- тугатиш қиймати усули;
- тиклаш усули.

а) Баланс қиймати усули ва тузатилган баланс қиймати усули. Кўчмас мулк (корхона) нинг қиймати у ўтмишда қандай салохият тўплаганига боғлиқ. Бу салохиятнинг энг мухим тавсифи унинг активлари қийматидир. Активларни баҳолаш негизида баланс (ёки китобий) қиймат усули ётади. Халқаро бухгалтерия ҳисоби тамойилларига мувофиқ, корхонанинг баланс қиймати корхонанинг емирилиш натижасида олиб ташланган активлари билан унинг мажбуриятлари орасидаги фарқдан иборат.

б) Ўриндошлик усули. Активларнинг жорий қийматини баҳолаш негизида ўриндошлик ва тугатиш қийматлари усуллари ётади. Ўриндошлик усули қуйидаги саволга жавоб олиш имконини беради: шундай бизнесни ҳозир бошлаш ва бозорда ўхшаш мавқега эришиш учун қанча маблағ зарур? Мазкур усул баҳоланадиган мулкнинг функционал, иқтисодий ва жисмоний емирилиши учун қилинган тузатишларни ҳисобга олган ҳолда унинг ўриндошлик қийматини белгилаш орқали корхона мулкининг иқтисодий қийматини аниқлашни ўз ичига олади.

в) Тугатиш қиймати усули. Тугатиш қиймати корхона тугатилганидан, активлар сотилганидан ва қарзлар тўланганидан кейин қанча маблағ қолишини кўрсатади. Маълумки, тугатиш қиймати тузатилган баланс қийматидан тугатишга кетган чиқимлар миқдорига қараганда камдир. Бу комиссия олиб сотишларни, товар захираларини сотишга, дебиторлик қарзини йиғишга, ходимларни бўшатишга кетадиган харажатларни ўз ичига олади. Бундан ташқари, тезкор сотувларда сотилиш нархи одатда бозордаги нормал нархдан камроқ бўлади. Тугатиш қиймати усули жойлашган ўрни, ихтисослашганлик, ликвидлик даражаси сингари ўзига хос омилларни ҳисобга олган ҳолда корхона мулкини рўйхатга олишни ва ҳар бир активни баҳолашни ўз ичига олади. Бунда улардан бири тугатиш қийматини оширган ҳолда бошқаларини камайтиради. Кейин мажбуриятлар ва тугатиш чиқимларини айирадилар. Тугатиш қийматидан бизнес даромад келтирмаганида ва ривожланиш истикболига эга бўлмаганида фойдаланилади. Шундай қилиб, тугатиш қиймати корхонанинг банкротликка учраши эҳтимоли катта бўлганида унинг минимал сотилиш нархини белгилайди.

г) Тиклаш усули. Тиклаш усули деганда, бинонинг аниқ нусхадаги қурилишининг жорий баҳолардаги қиймати тушунилади. Унда худди шундай материаллардан, қурилиш меъёрларидан фойдаланилади, сифати, нуқсонлар ҳам ўхшаш бўлади. Тиклаш усули қуйидаги саволга жавоб олиш имконини беради: ҳозир мавжуд бўлган объектни тиклаш учун ва шунга ўхшаш мавжуд объектда ўхшаш натижага эришиш учун қанча маблағ керак? Бу усул смета ҳужжатлардаги суммани индексация коэффициентига кўпайтириш йўли билан объект қийматини аниқлашни ўз ичига олади.

Харажатли ёндашишда емирилишларни аниқлаш. Емирилиш шартли равишда қуйидаги турларга бўлинади:

1. жисмоний емирилиш – тикланадиган ва тикланмайдиган;
2. функционал емирилиш – тикланадиган ва тикланмайдиган;
3. ташқи ёки иқтисодий емирилиш.

Вақт ўтиши билан турли омиллар таъсирида кўчмас мулк қийматининг пасайиши емирилиш деб юритилади.

Агар емирилишни тузатишга кетадиган харажат айти пайтда қўшиладиган қийматдан кам бўлса, у тикланадиган деб саналади.

Агар емирилишни тиклашга сарфланадиган чиқим бинонинг қўшиладиган қийматидан кўп бўлса, у тикланмайдиган ҳисобланади.

Бинонинг жисмоний емирилиши. Жисмоний емирилиш деганда, вақт ўтиши билан қурилиш конструкциялари, муҳандислик асбоб ускуналари ва умуман бино ҳолатининг ёмонлашуви тушунилади. Жисмоний емирилиш натижасида конструкция элементлари ва бутун объект қиймати йўқолиб боради. Бино 70% емирилганда фойдаланиш учун яроқсиз ҳисобланади.

Емирилиш даражаси баҳосининг объективлиги охир-оқибат муҳандис - эксперт, баҳоловчининг тайёргарлик даражаси ва тажрибасига боғлиқ. Чунки, юк кўтарувчи конструкциялардаги шикаст ажратиб турувчи конструкция қисмларига қараганда анча жиддий аҳамиятга эга. Шунинг учун конструкциядаги шикаст таъмирлаш ва қайта тиклаш қийматига турлича таъсир кўрсатади.

Бинонинг жисмоний емирилиши айрим конструктив элементларнинг узил-кесил емирилиши сифатида белгиланади.

$$Иж = \sum gi \times Li/100$$

Бунда,

Иж - бинонинг дастлабки пайтдаги даражасига кўра жисмоний емирилиши.

gi - бинонинг айрим элементлари емирилиши.

Li - бино элементи қийматининг бутун бино қийматига нисбатан улуши

Жисмоний емирилишни ҳисобга олган холда бинонинг қиймати қуйидагича ифодаланади:

$$K_{mk} = K_{sk} * 100 - Иж / 100$$

Бунда,

K_{mk} – бинонинг емирилишни ҳисобга олиб баҳоланаётган пайтдаги қиймати.

K_{sk} – тиклаш қиймати. Аниқроғи, худди шундай янги бинонинг ҳозирги нархи.

Иж – бинонинг жисмоний емирилишини ҳисобга олувчи коэффициент (фоизда).

Баъзан жисмоний емирилиш даражаси хизмат муддатига қараб белгиланади. Тахминий ҳисобларда шундай қилса бўлади. Бундай ҳолларда хатолик 1,5-2 баравар ошиб кетади. Тикланадиган ва тикланмайдиган емирилишлар бўлади.

Тикланадиган жисмоний емирилиш. Бу хилдаги емирилишнинг номи ўз мазмунидан англаиб турибди. Тикланадиган емирилиш – бу унчалик катта бўлмаган жорий таъмир билан ўз холига келтириш мумкин бўлган емирилишдир.

Тикланмайдиган жисмоний емирилиш. Тикланмайдиган жисмоний емирилишни қурилиш конструкциясининг хизмат кўрсатиш муддати бўйича иккига ажратиш мумкин:

- капитал таъмирлаш орқали алмаштириш мумкин бўлган емирилиш.
- капитал таъмирлаш орқали қисман алмаштириладиган қурилиш конструкциясининг эскирганлиги.

Функционал емирилиш. Ушбу емирилиш – хажмий, режавий ва конструктив ечимлар бўйича замонавий талаб ҳамда давлат андозаларига мос келмасликни англатади. Яъни, объект ишлаб тураверади, бироқ замонавий эксплуатация

талабларига жавоб бермайди. Вазифавий емирилиш ҳам иккига – тикланадиган ва тикланмайдиган хилларга ажралади.

Тикланадиган функционал емирилиш. Тикланадиган функционал емирилиш объект қийматининг янги қурилиш объекти қийматига нисбатан пасайганлигида намоён бўлади. Бу ҳолатда қуйидаги камчиликлар мавжуд бўлади:

- алмаштирилиши, модернизация қилиниши зарур бўлган элементлар;
- олиб ташлаш (ўта даражада яхшилаш) талаб этиладиган элементлар;
- қўшимчалар қилиниши талаб этадиган элементлар.

Тикланмайдиган функционал емирилиш. Тикланмайдиган функционал емирилиш хажмий, режавий ва конструктив ечимлар, материалларнинг замонавий талабларга мос келмаслиги билан боғлиқ бўлган таннарх пасайишида акс этади. Бундай номувофиқликни иқтисодий нуқтаи назардан тўғрилаш мақсадга мувофиқдир.

Ташқи ёки иқтисодий емирилиш. Ташқи, маънавий емирилиш кўчмас мулк омиллари чегараларига нисбатан ташқи зарарларни англатади. Улар иқтисодий, сиёсий, экологик бўлиши мумкин ва асосан кўчмас мулк жойлашган ҳудудга боғлиқдир. Объектнинг қиймати унинг ёнида қурилган шовқинли ишлаб чиқариш корхоналари - аэропорт, ресторанлар салбий таъсир этиши мумкин. Ёмон ландшафт, яъни ботқоқ, жойнинг ифлосланганлиги унинг иқтисодий жихатдан эскирганлигини, кераксизлигини англатади. Муайян турдаги бинолар учун коммунал-маиший тўловлар, мулк солиғининг ошиши бинонинг емирилишига сиёсий ёки маъмурий таъсир кўрсатади.

2. Даромадли ёндашув. Даромадли ёндашув ўз ичига бир неча усулларни олади. Улар қуйидагилар:

а) Даромадни капиталлаштириш усули. Бу усул ўтган ва ҳозирги ахборотдан фойдаланадиган усуллар турига киради. Бироқ, бу усул активларни баҳолашга эмас, балки корхона даромадларига таянади.

Ушбу усулнинг мохияти шундан иборатки, у орқали корхонанинг ҳар йилги соф даромадлари миқдори, шу даромадларга мувофиқ капиталлаштириш

меъёрлари ва шу кўрсаткичлар асосида соф даромадларнинг мазкур миқдорини келтирувчи корхона нархи ҳисоблаб чиқилади.

Даромадларни капиталлаштириш мураккаб фоиз тамойилига асосланган қийматни баҳолашга ёндашувлардан биридир.

Даромадни капиталлаштириш объектнинг даромад келтирувчи салоҳиятли имконияти асосида унинг қийматини баҳолашга имкон берувчи усуллар, қоидалардан иборат.

Бу қоидани математик кўринишда қуйидагича ёзиш мумкин:

$$PV = CЭД/СК$$

бу ерда,

PV – жорий қиймат;

CЭД – соф эксплуатация (муомала) даромади;

СК – капиталлаштириш коэффиценти ёки қўйилмаси.

Капиталлаштиришни қисқача келгуси даромадларни мол – мулк жорий қийматининг ягона суммасига қайтадан санаш жараёни каби ифода этиш мумкин. Капиталлаштириш қўйилмаси хар йилги даромад ва мол – мулкнинг қиймати ўртасидаги боғлиқликни ифодалайди.

Шунингдек бу борада қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

- капиталлаштиришнинг умумий қўйилмаси – соф эксплуатация даромадини объектнинг умумий қийматига нисбати;
- хусусий маблағлар учун капиталлаштириш қўйилмаси, яъни солиқ солинишидан олдинги пул маблағлари оқимининг объектни сотиб олиш учун фойдаланиладиган сармоядорнинг хусусий маблағларига нисбати;
- қарз маблағлари учун капиталлаштириш қўйилмаси (гаров доимийси);
- кредит бўйича хар йилги тўловларнинг кредит миқдорига нисбати.

Бирор объектнинг ишлатилиш фойдалилигини қиёслаш учун кўпинча фойда меъёри қўлланилади. Фойда меъёри кўчмас мулкга эгалик қилиш вақтида келтирадиган даромаднинг кўрсаткичидан иборатдир. Бунда қуйидагилар ажратиб кўрсатилади:

- эгаликнинг бутун вақти давомида қўйилган маблағлар учун хар йилги фойданинг миқдорини кўрсатувчи фойданинг ички меъёри;

- хусусий маблағлар учун фойда меъёри - кредит бўйича тўловлар ва объект сотилишидан тушган пулдан сўнг қўйилган хусусий маблағлар учун сармоядор оладиган фойда;

- қарз маблағлари учун фойда меъёри - берилган кредит учун хар йилги тушган фойда ва объект сотилган холда кредит қолдиғини тўлаш ҳисобига банкнинг инвестициялар учун фойдаси.

Капиталлаштириш қўйилмаси ва фойда меъёри ўртасида муайян алоқа мавжуддир.

б) Пул оқимларини дисконтлаш усули. Корхонани унинг келгуси соф даромадлари асосида баҳолаш негизида дисконтлаш ётади. Шу усул билан корхонани баҳолашнинг энг мураккаб ва масъулиятли усули, корхона даромадларини (ёки пул оқимларини) яқин беш йилга мўлжалланган башоратини тузишдан иборатдир.

Дисконтланган даромадлар усулининг мохияти келгуси фойдаларни hozirgi қийматга келтиришдир. Хар бир келгуси фойда ўз капиталлаштириш коэффициентини билан дисконтланади. Дисконтлаш тадбири сармоядорга инвестициялар қайтишини кузатиб бориш, фойдани ва самарадорлик даражасини аниқлашга имкон беради.

Дисконт қўйилмаси – жорий қиймат ва келгусида олинадиган ва тўланадиган пул оқимлари ўртасидаги боғлиқликни акс эттирувчи коэффициентдир. Дисконт қўйилмаси сармоядор келгусида кутилган киримларни олиш ҳуқуқи учун бугун тўлай оладиган суммани (жорий қийматини) аниқлайди. Сармоядор даромадларни келгусида олишни мўлжал қилгани сабабли уларни ололмаслик эҳтимоли ҳам мавжуд бўлиши мумкин.

Таваккалчилик дейилганда, келгуси даромадларни олиш мўлжалининг оқланганлиги даражаси ёки башорат баҳолашларини амалга ошириш эҳтимоли тушунилади. Дисконт қўйилмасининг танланиши ҳисоб-китобнинг асосий палларидан биридир.

Дисконтлаш қўйилмасини танлашда, қўйилгани камайтириш учун бир неча қўйилмага асосланган коммюлятив усулни қўллаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Одатда таваккалчиликсиз даромад меъёри асос қилиб олинади, унга эса ликвидлик учун тузатилган холда кўздан кечирилаётган бозор тармоғида инвестицияланган таваккалчилик учун даромад меъёри қўшилади. Олинган сумма конкрет объектга хос омиллар ва молиялаштириш шартлари ҳисобга олиниб тузатилади. Даромад меъёрининг ошиши қўйилган пуллар таваккалчиликнинг ортиши билан боғлиқдир.

Таваккалчиликсиз қўйилма таърифи.

Инвестициялаш бўйича таваккалчиликсиз ишлар жумласига маблағларни Ўзбекистон банкларида жойлаштириш имконияти киради. Бу қайта инвестициялаш қўйилмасидир.

Ликвидлик учун тузатиш.

Мавжуд ижарачи банкротликка учраган ёки ижарадан воз кечган холда янги ижарачини излаш вақти, объектнинг бозорда сотувга қўйилганлиги ва сотувнинг муддати ҳисобга олинади.

Ҳозирги вақтда кўчмас мулк бозори ривожланмаганлиги туфайли объект кўрғазмаси вақтини белгилаш мураккаб иш ҳисобланади. Биринчи ёндашувда кўрғазманинг нормал муддатини 4 ойга тенг деб қабул қилиш мумкин.

Таваккалчиликлар. Бундан ташқари, объектни бошқариш борасида бошқа таваккалчиликларга ҳам дуч келиши мумкин, булар ташқи таъсир, етакчи ишчиларни жалб қилиш, сиёсий, экологик таъсирларни эътиборга олиш ва х.к.

3. Қиёсий ёндашув. Сотувни қиёслаш усули, шунингдек бозор ва бозор ахбороти усули, тўғридан – тўғри қиёслаш усули баҳолашнинг кенг қўлланиладиган усули ҳисобланади. Ҳар хил номларига, турли мамлакатларда хар хил қўлланишига қарамасдан, усулнинг мохияти бир хил, яъни мулк қиймати ўхшаш объектларнинг яқиндаги олди – сотди баҳоларига солиштириш йўли билан аниқланади.

Бу усулнинг мохиятини қисқача қилиб айтганда, мулк қийматини ўзига ўхшаш объект тузилишининг фарқ қилувчи омилларига тузатиш киритиш орқали аниқланилади.

Қийматга боғлиқ бўлган таркибий қисмларни ажратиш учун бозор шароитларини муфассал таҳлил этиш зарурдир. Қиёслаш объектларини баҳолаш

объектлари билан солиштириш учун қиёслашнинг ҳар бир ажратилган таркибий қисми бўйича қиёслаш объектларининг сотилиши нархларига тузатишлар киритиш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. David S.Bunton. The Appraiser Regulatory System in the United States. // Information Technology & Management. June 2019, Vol. 15 Issue 2, p. 168-182.
2. Nawrocka E., 2018, Income Risk in Property Valuation for Loan Security Purposes, Real Estate Management and Valuation, vol. 26, no. 2, pp. 12-22. DOI: 10.2478/remav-2018-0012.
3. Ронова Г.Н. Осоргин А.Н. Оценка недвижимости. Учебно-методический комплекс. – М.: Изд. центр ЕАОИ. – 356 с. 2018.
4. Шоҳаъзамий Ш.Ш. Мулк, қиймат ва нархнинг назарий асослари. Дарслик. – Т.: Иқтисод-молия, 2018.
5. International Valuation Standards IVS – 2017. IVSC, 2017. – 115 p.
6. Асаул А.Н., Акрамов М.И., Мираҳмедов М.М., Ёдгоров В.У. Экономика недвижимости. –Т.: “Алишер Навоий МК”, 2011й.
7. Козырев А.Н., Макаров В.Л. Особенности оценочной деятельности применительно к условиям новой экономики. Хрестоматия - М.: Интерреклама, 2003. - 240с.

Toshkent arxitektura-qurilish universiteti

dotsent D.Sh.Inoyatova

Toshkent arxitektura-qurilish universiteti

talaba Teshaboyeva Ziynat Dilnur qizi

Annotatsiya. Ushbu maqola Sharq menejmentining tarixiy, teran ildizlarini yoritishga qaratilgan bo'lib, uning asosiy maqsadi bugungi kun zamonaviy menejmentini yangi bosqichga ko'tarish va Sharq menejmenti uslublarini teranroq anglashga yordamlashishdan iborat.

Kalit so'zlar: Yapon menejmenti, motivatsiya, strategiya, samuray, subordinatsiya.

Аннотация: Эта статья призвана пролить свет на исторические, глубокие корни Восточного менеджмента, основная цель которого - вывести современный менеджмент сегодня на новый уровень и помочь глубже понять стили Восточного менеджмента.

Ключевые слова: японский менеджмент, мотивация, стратегия, самурай, субординация.

Annotation: This article is aimed at highlighting the historical, thoughtful roots of Eastern management, the main purpose of which is to take today's modern management to a new level and help to more understand the styles of Eastern management.

Keywords: Japanese management, motivation, strategy, samurai, subordination.

Menejment bu insonlarni boshqarish san'ati demakdir. Boshqaruv uslublari dunyoning turli burchaklarida turlicha olib boriladi, dunyo olimlari ularni umumiy xususiyatlariga ko'ra 2 turga ajratadilar. Sharq va g'arb. Bu ikki menejment uslublari asosan boshqaruvga nazar solish fokusi, boshqa so'z bilan aytganda, tushunchalari bilan farqlanadi. G'arb menejmenti manfaatlar asosida shakllangan bo'lsa, sharq menej-

menti insoniy qadriyatlar asosiga qurilgandir. Undagi har bir uslub insonlarni ish ruhiyatini oshirish, ularga kelajakka ishonch tuyg'usini berish va jamoa manfaatlarini o'z manfaatlaridan ustun qo'yishga asoslangan. G'arb menejmentining umumiy mafkurasi "Men" asosida shakllansa, sharqda "Biz" asosiyroq. "Biz" bo'lishga intilarkan, insonlar bir biriga hamdard bo'ladi, olg'a intilish uchun yordam beradi, ya'ni yiqilganni qo'llash orqali o'zlari ham kerakli bo'lish baxtini his qilishadi.

Inson shaxsiy manfaatlari uchun ishlarkan, shunday bir nuqtaga yetib keladiki, endi u o'z harakatlaridan ma'no qidirishni boshlaydi, faqat o'zi uchun harakat qilishdan charchaydi. Unga endi ehtiyojlari turtki(motivatsiya) bo'la olmaydi. Ammo boshqalar uchun, ya'ni "Biz" bo'lish uchun harakat qilayotgan inson mas'uliyatni aniq his qiladi, chunki atrofdegilar hayotining ma'lum bir qismi unga bog'liq. Shu o'rinda shuni aytib o'tish joizki, inson qachonki atrofdegilarga kerakli ekanligini his qilsa, qilayotgan ishi kimlarningdir muammolarini hal qilayotganini anglasa, ana o'shanda u qilayotgan ishidan charchamaydi, to'laqonli baxtni his qiladi va unga ortiqcha turtki (motivatsiya) kerak bo'lmaydi. Sharq menejmenti insonning aynan keraklilikka bo'lgan ehtiyojiga asoslangan.

Tarixga nazar solar ekanmiz, insonlarni boshqarish asosan harbiy yurishlarda muhim ahamiyat kasb etganiga guvoh bo'lamiz. Mohir sarkardalar yurish oldidan askarlarning ruhiyatini ko'tarishga alohida ahamiyat qaratgan. Bunda ular asosan Vatan tushunchasidan oqilona foydalanishgan, ya'ni insonlar o'z ozodligi uchun emas balki Vatan ozodligi uchun kurashganda g'alabaga erishish ehtimoli yuqoriroq bo'lishini tarix isbotlagan, chunki yelkadagi mas'uliyat ortar ekan, endi insondagi muvaffaqiyatga bo'lgan intilish bir necha barobar ortadi. Tarixdan yana shu ma'lumki, jang taqdiri askarlar soniga bog'liq bo'lmaydi, masalan Zahiriddin Muhammad Bobur Ibrohim Lo'diyga qarshi urushgan jangda Bobur Mirzoning 24 ming askari bo'lgan, qarshi tomonning esa 100 ming askari va 1000 fildan iborat katta qo'shini bor edi, Ammo natijada Bobur Mirzo g'alaba qozondi. Ko'pchilik tarixchilar bu g'alabaga mohirona strategiya va qo'shinning birdamligi sababchi bo'lganligini ta'kidlaydi. Shu o'rinda sharq menejmenti uslublarining tarixiy ildizlariga nazar solasak.

Yapon uslubi. Yapon menejmenti uslubida bugungi kunda ham samuraycha qadriyatlar saqlanganligi yaqqol ko'rinib turadi. Jiddiy tartib-intizom, vatanga muhabbatning kuchliligi va yuqori darajali subordinatsiya, ya'ni o'zidan yuqori turuvchi menejmeri hurmat qilish va buyruqlariga itoat qilish. O'z o'rnida yuqori turuvchi menejerlar ham xodimlarini qadrlaydi va ularga ehtirom ko'rsatadi. Samuraylar uchun sadoqat va

ishonchni oqlash eng birinchi vazifa hisoblangan, ular har doim birgalikda harakat qilishga intilganlar, o'zaro ishonch esa muvaffaqiyatning asosiy omili hisoblangan. Bugungi kun yapon boshqaruvining o'ziga xosliklari shu qadriyatlarni meros olgan desak adashmagan bo'lamiz.

O'rta Osiyo. O'rta Osiyoda boshqaruv dastlab Zardushtiylik aqidalari asosida rivojlangan, ya'ni "Ezgu g'oya, ezgu so'z, ezgu amal". Insonlar bir birlariga yaxshilik qilishga harakat qilishgan, buning asosida esa zardushtiyning ezgu amal sohiblari o'limdan so'ng rohatga erishishlari to'g'risidagi ta'limoti bo'lgan. O'rta asrlardan boshlab "Biz" yanada mustahkamlanib, odamlar orasidagi bir-biriga sadoqat, ishonch va hurmat kuchayib boradi. Buni biz Sohibqiron Amir Temur bobomizning "Temur tuzuklari" kitobidan anglashimiz mumkin. Unda Sohibqiron boshqaruvchining asosiy vazifasi sifatida qo'l ostidagilarni tinglash, ularning muammolarini yaqindan o'rganish va har bir ishda fikrlari bilan qiziqish deya ta'kidlaydi. "Maslahatchilar va kengash ahli yig'ilganda, oldimizdagi ishlarning yaxshi-yomon, foyda-yu ziyon tomonlari, ularni amalga oshirish, oshirmaslik haqida so'z ochib, ulardan fikr so'rar edim" deydi o'z asarida Amir Temur. "Pirim menga yozmishlarkim: "Kengash va mashvaratsiz saltanatni barcha qilgan ishlari-yu aytgan gaplari xato bo'lgan johil kimsaga qiyoslash mumkin; uning so'zlari va qilmishlari boshga pushaymonlik va nadomat keltirgay. Shunday ekan saltanatni boshqarishda mashvarat-u maslahat va tadbir bilan ish yuritgin, toki oqibatda nadomat chekib, pushaymon bo'lmagaysan" deya yozilgan so'zlardan birgalikda ish yuritishning inson hayoti va rivojlanishda muhim ahamiyat kasb etishini anglashimiz mumkin.

Bu tarixiy dalillar Sharq mamlakatlarining o'rta asrlardagi rivojlanish sababi aynan "Biz" mafkurasi bo'lganligini tasdiqlaydi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. "Temur tuzuklari". Xalqaro Amir temur Jamg'armasi, O'zbekiston Respublikasi Fanlar Akademiyasi, Sharqshunoslik universiteti. Toshkent- "O'zbekiston"-2011
2. "Qurilishda menejment". O.Sh.Mamanazarov, Toshkent arxitektura-qurilish Instituti, Toshkent-2019
3. "Menejment", M.Sharifxo'jayev, Y.Abdullayev –Toshkent Moliya Instituti, Toshkent "O'qituvchi"-2001

**THE IDEOLOGICAL COMPONENT OF A POLITICAL TEXT AS AN
OBJECT OF LINGUISTIC RESEARCH**

Yusufjonova Sevara Oybek qizi , second-year master student of, Faculty of English Linguistics, UzSWLU

Supervisor: Oybek Saporbaevich Akhmedov, UzSWLU, Professor, Doctor of Philological Sciences

Annotation: The given article reveals the essence of the ideology, its components, and also investigates ideological components from linguistic point of view in a political discourse.

Key words: ideology, linguoculturology, political discourse, component.

Аннотация: В данной статье раскрывается сущность идеологии, ее составляющие, а также исследуются идеологические составляющие с лингвистической точки зрения в политическом дискурсе.

Ключевые слова: идеология, лингвокультурология, политический дискурс, компонент.

Annotatsiya: Ushbu maqolada mafkuraning mohiyati, uning tarkibiy qismlari ochib berilgan, shuningdek, siyosiy nutqda mafkuraviy komponentlar lingvistik nuqtai nazardan ko'rib chiqilgan.

Kalit so'zlar: mafkura, madaniy tilshunoslik, siyosiy nutq, komponent.

Today, more than ever before, the influence of the linguistic factor is felt as a powerful political resource in society, as a tool for inciting hostility and hatred, as a tool for linguopolitical modeling of reality, often having nothing to do with reality¹. The purpose of this article is to determine the specifics of the manifestation of ideology as an integral feature of political conflictogenic discourse from the standpoint of linguoculturology and linguopolitics. The transformation of discourse into an interdisciplin-

¹ D. McLellan. (1986). Ideology, University of Minnesota Press.

any field of knowledge is a consequence of the fact that it is the methodological node in which the interests of various research areas converge (N. F. Alefirenko, P. Bourdieu, V. Z. Demyankov, A. A. Kibrik, Y. Rudnev, D. Edwards, M. Foucault, M. Pecheux). Such an approach to the interpretation of discourse could not but affect the understanding of discursive analysis, which arose in the 1970s at the junction of a number of disciplines and received the status of an autonomous scientific direction in the mid-1980s.

Among the original disciplines that stood at the origins of discourse analysis, the theory of ideology played an important role, which was also developed in an interdisciplinary context in the works of sociologists, philosophers, literary critics, politicians, although it has not yet received generally accepted concepts. The status of ideology in relation to culture, language and discourse is still not defined, the levels of its analysis in discourse are not established, and the mechanisms of examination of ideological connotations in conflictogenic discourse are not revealed. Finally, it is fundamentally important to establish communication between the ideological component of the text and the linguopolitical design and presentation of real events in the press. These and related problems are discussed below in the analytical review.

To solve the research tasks, first of all, it is necessary to clarify the understanding of linguistic expertise as a method of formal and meaningful text analysis. This method involves a step-by-step study of the ideological component of the analyzed object, correlated with the speaker's speech intention, which determines a reasonable specification of the object, which should take into account the specifics of the manifestation of its individual sides and forms detection in the intertextual space. All this together leads to the diversification of linguistic procedures at various stages of analysis.

The research focuses on the ideological component of the political text, which is determined from the standpoint of linguoculturology and linguopolitics as a cultural and value basis for covering events and influencing the target audience from this angle. This means an opportunity to evaluate it as an autonomous object of linguistic expertise of conflict-prone texts created in political communication.

First of all, it is necessary to clarify the key concepts that reveal the connection between the theory of ideology and the theory of discourse.

In the voluminous monograph of the British philosopher Terry Eagleton "Ideology: An Introduction", the review of approaches includes about ten definitions in which ideology is considered as a system of ideas, views, representations, concepts

characterizing a social group, class, party; a set of political beliefs forming the basis of political and economic systems; as a neutral concept or with a negative coloring. In his own concept, the researcher emphasizes a number of important political and discursively oriented signs of ideology: it aims to legitimize and rationalize the interests of the ruling class; it refers not to language, but to discourse; it is implemented in the utterance model, which includes the following components: the subject of speech (who?), the subject of the utterance (about what?), the addressee (to whom?), the end result (for what purpose?)²

French philosophers M. Foucault and M. Pesce were among the first to develop the idea of linking ideology to discourse. According to M. Foucault, science, knowledge and ideology are connected with power and are by no means opposed to each other. The government performs repressive and ideological functions: to supervise, observe, control.³ The author connects his understanding of power and ideology with the “disciplinary” society and inquisitorial civilization. Of particular value for modern research are M. Foucault’s statements that the production of discourse is simultaneously controlled and subjected to selection. It is organized and redistributed with the help of a certain number of procedures, the general purpose of which is to curb power. His theory also replenishes the typology of discourse with the criterion of truth/falsity, which today acquires exceptional significance in discursive practice related to current problems. This is a distinction known as to the ancient Greeks; it connected the organization of true discourse with the proper performance of the ritual. The proposed parameter was revised and clarified by M. Foucault and took the form of a statement about the appropriate tradition and accepted way of reasoning about something in society.

The works of the French philosophers mentioned above prepared the basement for the emergence of the concepts of discourse by R. Wodak, T. A. van Dyck, N. Fairclough. In his monographs, T. A. van Dyck not only developed the most popular scheme of discourse analysis, but also showed how discourse is used to achieve the goals of ideology: to influence the formation and change of values, norms, assessments that determine the models of life experience; to manipulate the mass consciousness by imposing certain imperatives and legitimizing the existing political structures of separation of powers and strengthening the positions of dominant social classes and groups. The founders of critical discourse analysis explore the possibilities of changing discursive

2 Blommaert, J., & Bulcaen, C. (Eds.). (1998). *Political linguistics*. Amsterdam: Benjamins.

3 Blommaert, J., & Bulcaen, C. (Eds.). (1998). *Political linguistics*. Amsterdam: Benjamins.

meanings through various tools of intertextuality.⁴

The expert assessment of the ideological component of conflictogenic texts was made in the process of research based on linguistic and cultural procedures with the involvement of component, contextual, discursive methods of analysis. One of the advantages of the linguoculturological paradigm is that it offers the researcher a reliable tool for identifying and verifying ideological information in the text. The ideological conditionality of the units forming the political discourse manifests itself in the form of value connotations that can be used as a material for interpretations of their cultural significance.

The proposed expertise is carried out in this study at three levels of analysis, which is aimed at identifying the ideological orientation of the text and the ideological load of its components:

- 1) at the level of individual linguistic units (words, phrases of different types);
- 2) at a higher, culturological level responsible for the actualization of the cultural modality in the text;
- 3) at the level of the discursive organization of the text as a sign culture and the carrier of value information. The allocation of the first level is associated with the transfer of denotative and connotative meanings by the linguistic unit responsible for the translation of evaluative relations. The need for analysis at the cultural and discursive levels is due to the understanding that values exist in the system of culture and in the system of discourse.⁵

According to the proposed scheme, the carriers of the ideological connotation of the elementary level are determined by their ability to evoke value associations and representations in a mature member of the community.

In cross-cultural communication, it is necessary to take into account that conflict often arises cultures as a result of the mismatch of associations generated by the same signals. For example, the positive evaluative meanings that the KGB nomination actualized in the minds of Soviet people were associated with the idea of an organization aimed at ensuring the safety of citizens, guaranteeing the protection of the country from

4 Van Dijk, T. A. (1998). *Ideology: A multidisciplinary approach*. London, England UK: Sage Publications.

5 Madson R. *Contentless Consensus. The Political Discourse of a Segmented Society // America at Century's End.* / ed. by Alan Wolfe. Berkeley; Los Angeles; Oxford: University of California Press, 1991. P. 440–460.

external enemies, which caused a sense of respect and gratitude for the preservation of order and legality in the country. In English-language lexicographic publications, this phrase has a mark indicating negative associations in the mass consciousness in the West: *carrying on an impressively orchestrated spy war against the dissidents, the world's largest infamous secret police and espionage organization*. Such ideological and other cultural and regional connotations are usually fixed in cultural dictionaries in the form of cultural information.⁶

At the categorical level of linguoculture, expertise is based on the identification of cultural and ideological information based on the material of the means of representation of linguistic and cultural categories (friend/foe, precedent, and political correctness). In our opinion, in addition to the above, in the examination of political discourse, it is also necessary to take into account the categories of political linguoculture, including political power, political culture, power and political asymmetry in the intra-cultural and intercultural political space. According to the testimony of many scientists who study the opposition of “*friends*” / “*strangers*” in the intercultural space, it receives a kind of refraction on the classical emotional scale, reflecting the rather subjective nature of the qualification of their own and others in terms of “*good*” / “*bad*”. Research shows that in political communication, this opposition underlies conflict situations that arise, as a rule, due to ideological differences.⁷

In terms of linguoculture at this level, it is advisable to talk about the manifestation of a cultural modality, which is responsible for evaluation from the point of view of norms accepted in society, while scaling is carried out between the poles of “good and evil” by expressing approval/disapproval.

At the level of a discursive organization linguistic expertise is aimed at interpreting the ideological component in the cultural and value field of the text, which represents a fragment of the value field of culture. The ideological essence of the value parameter of culture was rightly pointed out by R. Barth, emphasizing that any individual from birth is immersed in a certain ideological atmosphere, is forced to read and assimilate the Book of Culture offered to him by his epoch, environment, social status, the system of upbringing and education that existed in his time. Distinguishing the text

6 Madson R. Contentless Consensus. The Political Discourse of a Segmented Society // America at Century's End. / ed. by Alan Wolfe. Berkeley; Los Angeles; Oxford: University of California Press, 1991. P. 440–460.

7 Lane R. E. Political Life. Why People Get Involved in Politics. The Free Press of Glencoe, Inc., 1961. 374 p

from the work, the scientist concluded about the primacy of the text as a carrier of connotations, likening the text to a sea of socio-cultural meanings. This level of analysis is a basic one, since it operates with the category “value”, which permeates the entire space of culture, forms its core and is localized at all levels of the discursive representation of political reality. Linking values to culture is an important factor, since “each culture has its own dimensions, its own shape and its own view of values”. This provision fully applies to political culture and ideological values. At this level of expertise, the analysis of the method of linguopolitical modeling of situations comes to the fore, since the mass reader finds himself captured by the information picture of the world order, which, following the traditions of post-truth politics, often represents a product radically different from reality.

As a result, political reality is replaced by the convenient practice of its language programming, since in the conditions of the formed information community, there is a “triumph of information that leads to the death of politics,” as the French sociologist Pierre Bourdieu warned. In the information war, the principle of “language against reality” became the leading one, and, judging by the available materials, politically biased linguistics it is firmly entrenched and, as it seems, for a long time in the modern media in the West, which determines the quality of its information product. The famous American linguist, philosopher and political publicist Noam Chomsky gives an example of the manipulative use of language from recent history, comparing the events in January 2015 in Paris (the terrorist attack in the editorial office of the satirical magazine “Charlie Hebdo”) and the events in Yugoslavia in 1999 (the NATO shelling of the TV center in Serbia). His accusation is directed against hypocrisy and biased coverage of similar events from the positions of “our” and “their”: *Charlie Hebdo attacks were terrorism, but so was NATO strike on Serbian TV building in 1999. “Their” crimes are terror attacks, while “Our” attacks are not crimes but are noble defense of values* (Атака на „Шарли Эбдо“ была терроризмом, но таковым были и удары по зданию телецентра Сербии в 1999. “Их” атаки приобретают квалификацию террористических, в то время как „наши“ атаки являются не преступлением, но благородной защитой ценностей). The principles of political discourse analysis outlined above and the examination model itself were used by us during the analysis of Donald Trump’s first speech at the 72nd session of the UN General Assembly [Trump], which can be qualified as a typical example of a conflictogenic discourse that provoked an avalanche of no less aggressive and belligerent reactions from various media.

However, being responsible for one type of assessment, in political discourse, the culturological modality enters into specific relations with the ideological modality, interpreted “as a set of evaluative values and relations that are based on political views” and implemented through a set of evaluative predicates aimed at conveying the ideological position of the author. At the same time, the priority task of the ideological modality is to manage the process of interpretation of statements by the addressee. Accordingly, its characteristic feature is that it “crushes” other centers of modalization for itself in the sense that it radiates political assessments to all other types of assessments that are combined into one axiological context. It is quite natural that the centers of cultural modality generate axiological meanings associated with the political views of the producer of the text and subordinate to them.

In the analyzed text, culturological units are primarily represented by political mythologems that saturate the speech of the 45th President of the United States and reflect the specifics of his linguistic personality. Political mythologems are mental entities related to the political sphere and expressed through linguistic units with a tangible impact potential due to the cultural and value information embedded in them related to the fundamental ideas about the socio-political structure. As the researchers note, the transposition of conceptual information into lexical units is the main influencing tool of a politician who not only “voices” the latter, but also strives to fix them in the conceptual and linguistic pictures of the world of the targeted audience. Political mythologems in D. Trump’s speech objectify cultural concepts characteristic of the cultural and value picture of the American world:

- *opportunity / возможность (We live in a time of extraordinary opportunity; We have invested in better health and opportunity all over the world);*
- *dream / мечта (help our citizens realize their dreams);*
 - *freedom / свобода (Our citizens have paid the ultimate price to defend our freedom and the freedom of many nations represented in this great hall);*
 - *democracy / демократия (The Iranian government masks a corrupt dictatorship behind the false guise of a democracy; The greatest in the United States Constitution is its first three beautiful words. They are: “We the people.” Generations of Americans have sacrificed to maintain the promise of those words, the promise of our country, and of our great history. In America, the people govern, the people rule, and the people are sovereign. I was elected not to take power,*

but to give power to the American people, where it belongs);

- *independence / независимость (The success of the United Nations depends upon the independent strength of its members);*
- *rights / права (respect the sovereign rights of its neighbors);*
 - *American exceptionalism / американская исключительность (In America, we do not seek to impose our way of life on anyone, but rather to let it shine as an example for everyone to watch; As long as I hold this office, I will defend America's interests above all else).*

These mythologems reflect the stereotypes of Americans about themselves. These are phantom units that receive an exclusively “American interpretation” in the speech of American politician. And D. Trump is no exception in this series. So, for example, if there is a democracy, it is only an American-style democracy. Everything else is a fake mask: The Iranian government masks a corrupt dictatorship behind the false guise of a democracy. The units mentioned above, which act as centers of cultural modality, receive an ideological interpretation, since they act within the ideological context: who is not with us is against us (the example of Iran).

As a result of the ethnocentricity in the interpretation of the nominations used and, accordingly, the ethnocentric principle of constructing the text at the cultural level, which presupposes one’s own reading of all these entities as the only possible and correct one, the politician divides into his own and others, including imposing his own interpretations and their political views. As a result, a certain ideal image of an exceptional country is being created, which, paradoxically, does not so much show an example, dazzling in its positive power, as it rattles weapons and scares those who do not fit into the system designated by it coordinates.

The examination of D. Trump’s speech at the level of the discursive organization of the text shows an abundance of constatives (according to J. Austin), which represent statements or statements of a general nature that do not stand up to verification of validity, i.e. cannot be verified:

- a) *In America, we do not impose our way of life on anyone, but rather let it shine as an example for everyone to watch (В Америке мы не навязываем никому свой образ жизни, но позволяем ему сиять как светочу, который каждый может наблюдать);*

- b) *In America, the people govern, the people rule, and the people are sovereign* (В Америке народ управляет, народ правит и народ является сувереном);
- c) *America does more than speak for the values expressed in the United Nations Charter* (Америка делает гораздо больше, чем просто защищает ценности, выраженные в Хартии ООН);
- d) *The United States has great strength and patience* (США сильны и терпеливы);
- e) *The United States is a compassionate nation* (США — это сочувствующая страна).

Almost all the examples contain statements that raise legitimate doubts about the goals, interests, and values of US domestic and foreign policy, skillfully and ably packaged, allowing us to confidently move from the truth to aggression against “dissenters.” Even the inclusion of explicit performatives does not help to pass the test of conformity to reality:

- *“I don’t think you’ve heard the last of it — believe me”*;
- *“We cannot allow it to tear up our nation”*,
- *“We seek the de-escalation of the Syrian conflict”*;
- *“I want to salute the work of the United Nations in seeking to address the problems”*;
- *“We are prepared to take further action”*;
- *“We seek stronger ties of business and trade with all nations of good will.”*

In the responses to the speech of the US president that appeared in the world press, substitution of terms is also used as a linguopolitical device when words and expressions come into conflict with reality and specific events. Using verbal camouflage, loyal US allies are trying to justify acts of unjustified interference in the internal affairs of other countries in different regions of the world and the use of military force, violating international law.

Thus, the proposed model of linguistic expertise of the ideological content of political conflictogenic discourse allows us to use it to obtain objective data, starting from the semantic interpretation of the content at the level of elementary units of the text, moving to the categorical level and completing the analysis at the level of the discursive

organization of the text. Thanks to the use of the linguoculturological paradigm, the approach to the text provides an outlet beyond the limits of linguistics, which allows it to be interpreted as a cultural sign serving as place connections of native speakers of linguistic and cultural-ideological information.

The examination of the ideological component of a political text shows the specifics of its manifestation at different levels, starting with the semantics of individual elements, moving to the level of generalizing categories (friend/foe, precedent, political and status inequality in the intercultural space, manifested in the form of the hegemony of a strong state over the weak) and concluding with the choice of a method of linguopolitical modeling of events and the world order as a whole, pursuing the goal of forming and planting a false axiological picture of the world. According to the obtained data of the examination of the conflictogenic text, it is necessary to reconsider the localization of value-cultural connotations in it that arise as a result of the dispersion of the meanings of political and ideological imperatives in the space of an integral text. The examination proves the practical possibility of identifying diverse carriers of the ideological super-task of the text in political communication, confirming that in its

In the functioning of political discourse, the goal is not only to respond to the events of the day in a timely manner, but also to place them in a given ideological framework, imposing on the audience a dictated format for their perception and evaluation.

REFERENCES:

1. D. McLellan. (1986). *Ideology*, University of Minnesota Press.
2. Blommaert, J., & Bulcaen, C. (Eds.). (1998). *Political linguistics*. Amsterdam: Benjamins.
3. Geis, M. L. (1987). *The language of politics*. New York: Springer.
4. Van Dijk, T. A. (1998). *What is political discourse analysis?* Amsterdam: Benjamins.
5. Van Dijk, T. A. (1998). *Ideology: A multidisciplinary approach*. London, England UK: Sage Publications.
6. Atkinson, J. M. (1984). *Our masters' voices: the language and body language of*

politics. London: Methuen.

7. Clark, H. H. (1996). *Using Language*. Cambridge, England: Cambridge University Press.

8. Lane R. E. (1964). *Political Life. Why People Get Involved in Politics*. The Free Press of Glencoe, Inc., p.374.

9. Madson R. (1991). *Contentless Consensus. The Political Discourse of a Segmented Society // America at Century's End.* / ed. by Alan Wolfe. Berkeley; Los Angeles; Oxford: University of California Press, pp. 440–460.

**НУТҚ МАДАНИЯТИНИНГ МЕЪЁРИЙ, КОММУНИКАТИВ, ЭТИК
ВА РИТОРИК АСПЕКТЛАРИ**

Самигова Хушнуда Ботировна (филология фанлари доктори)

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети

Инглиз тили кафедраси профессори

kabsam@yandex.ru

909649463

Абдуллаев Фарход Хабибуллаевич

Тошкент шаҳар Сергели тумани ИИО ФМБ

Кадрлар билан таъминлаш гуруҳи катта инспектори

977497525

Нутқ маданияти – муайян бир халқ маданиятининг ушбу халқ тилидаги акси ва ифодасидир. Ушбу тушунча борасида турли хил қараш ва изоҳлар мавжуд бўлса-да, энг аввало, нутқ маданияти грамматик жиҳатдан тўғри гап тузиш, хатосиз сўзлаш, тушунарли ва равон фикр юритиш деб талқин этилади. Нутқ маданияти бу – ҳар бир инсоннинг тил соҳасида, нутқ сўзлаш борасида эгаллаган билимлари ва ютуқлари мажмуаси бўлиб, улар сўзловчининг билимдонлиги, тарбияси, маънавий етуклик даражасини кўрсатувчи омилдир. У миллатнинг умумий маданиятини кўтариш, кишиларда маълум тил бойлигидан, унинг имкониятларидан тўғри ва унумли фойдаланиш кўникмаларини тарбиялашга хизмат қилувчи восита ҳамдир.

Азалдан оғзаки ва ёзма нутқ маданияти адабий тил асосида шаклланиб келган. Тўғри ва хатосиз сўзлаш ҳамда ёзиш адабий тилни мукамал билиш натижасида юзага келади. Тилнинг турли меъёрлар асосида тартибга солиниши эса, табиийки, адабий тилнинг шаклланишига асос бўлади.

Нутқ маданияти турли даврларда янгича ёндашув ва қарашлар билан бойитилди. Замонавий нутқ маданияти тадқиқотчилар томонидан тўрт турга бўлиб ўрганилган: 1) элитар маданият (соф адабий тил); 2) анъанавий профессионал (арго); 3) учинчи маданият (оддий сўзлашув); 4) халқ маданияти

(шева, лаҳжалар)¹. Кейинчалик бу тасниф бошқа олимлар томонидан ўртача адабий, адабий-сўзлашув ва оддий сўзлашув нутқ маданияти турларига бўлиб ўрганилди².

Ҳозирги пайтда нутқ маданиятининг замонавий концепцияси ҳақида кўплаб фикрлар билдирилмоқда. Баъзи тадқиқотларда унинг уч аспекти, баъзи ишларда эса, унинг тўрт аспекти бўйича изланишлар олиб борилган. Нутқ маданиятининг меъёрийлик, этик (ахлоқий), коммуникатив³ ва риторик⁴ аспекти мавжуд бўлиб, улар ўзига хос жиҳатларга эгаллиги билан характерланади.

Нутқ маданиятининг меъёрийлик аспекти нутқда меъёр билан алоқадор бўлган масалаларни ўз ичига қамраб олади.

Маълумки, меъёрийлик ҳаётнинг барча жабҳалари учун хос бўлган универсал ҳодиса ҳисобланади. Ҳар қандай вазият, шароит меъёрийлик қонун-қоидаларига бўйсунгани, унга имкон қадар риоя қилишни талаб қилади. Меъёр бор жойда эса, табиийки, тартиб-интизом мавжуд бўлади.

Жаҳон цивилизациясининг пайдо бўлиши оғзаки нутқнинг бир шаклга (ёзувга), меъёрга солиниши билан чамбарчас боғлиқ. Олимларнинг эътироф этишларича, муҳимлик жиҳатидан бу кашфиётга тенг келадигани йўқ⁵. Ёзувнинг пайдо бўлиши эса вақтлар ўтиб муайян бир тилнинг меъёрий қоидалари ривожланишига, шаклланишига, адабий тилнинг юзага келишига асосий туртки бўлди.

Маълумки, ривожланган ҳар қандай тил, шу жумладан, ҳозирги ўзбек тили ҳам икки асосий функционал турга: адабий тил ва жонли сўзлашув тилига бўлинади. Умумхалқ тилининг юқори шакли ҳисобланган адабий тил аниқ ва муайян бир тизимда ҳар бир давр тилига хос меъёр, тартиб-қоидаларни ифода қилади. Миллий адабий тилни, унинг оғзаки ва ёзма шакллари аниқлашда энг муҳим ва асосий белги унинг муайян бир меъёрга, яъни аниқ бир маромга, тартиб-қоидаларга

1 Толстой Н.И. Язык и культура (некоторые проблемы славянской этнолингвистики) // Русский язык и современность. Проблемы и перспективы развития русистики. – Ч. I. – Москва, 1991. – С. 5-22.

2 Тешабоева Д.М. Оммавий ахборот воситалари тилининг нутқ маданияти аспектида тадқиқоти (ЎзР ОАВ мисолида): Филол. фан. док. ...дис. – Тошкент: ЎзДЖТУ, 2012. – Б. 212.

3 Тешабоева Д.М. Оммавий ахборот воситалари тилининг нутқ маданияти аспектида тадқиқоти (ЎзР ОАВ мисолида): Филол. фан. док. ...дис. автореф. – Тошкент: ЎзДЖТУ, 2012. – Б. 24-36; Культура русской речи. Учебник для ВУЗов. – М.: Норма-Инфра, 2000. – С. 15.

4 Пасечная И.Н. Культура речи (аспекты порождения высказывания). – Орск, ОГТИ, 2012. – С. 9-28.

5 Файзиева Н.А. Инглиз тилини ёритишга оид дидактик матнлар ифода воситаларининг эволюцияси ва замонавий технологиялар яратган имкониятлар: Филол. фан. магистри ...дис. – Тошкент: ЎзДЖТУ, 2001. – Б. 4.

солинганлигидир.

Тилшуносликда тил меъёрлари мавзуси бўйича кўплаб тилшунос олимлар тадқиқот олиб борганлар (К.С. Горбачевич, В.А. Ицкович, В. Барнет, Р.И. Аванесов, Э. Бегматов, А.Э. Маматов, Н.С. Қулиев ва бошқалар).

Олимлар тил меъёрини – нутқ маданияти назариясининг марказий тушунчаси эканлигини таъкидлаб ўтганлар (К.С. Горбачевич, Г.О. Винокур, В.А. Ицкович, А.Э. Маматов, Р. Қўнғуров, Э. Бегматов ва бошқалар). Уларнинг фикрича, адабий тилсиз маданий нутқий фаолиятнинг бўлиши мумкин эмас.

Л.Б. Щерба, Л. Косериулар тил материали ва тил структурасини меъёр деб билганлар. Лекин айтилган ва ёзилган барча нарсалар тил учун меъёр бўлавермаслиги сабабли, бу олимларнинг фикри тўлақонли ўз тасдиғини топмаган⁶. Рус олими Г.О. Винокурнинг таъкидлашича, меъёр – маданият ва тил сингари тарихий категория, ижтимоий муносабатлар ўзгариши билан у ҳам ўзгаради⁷. Унинг фикрича, адабий тил лексикада ҳам, фонетика ва грамматик қурилиш соҳасида ҳам ўз меъёрлари, қоидалари билан ажралиб туради. Бу меъёрлар шу тилда сўзлашувчи барча кишилар учун умумий ва зарурий ҳисобланади. Адабий тилнинг муайян меъёрга солинганлиги шундан иборатки, унинг луғат таркиби маълум тартибга келтирилган бўлади, сўзларнинг маъноси ва ишлатилиши, талаффузи ва ёзилиши ҳамда грамматик шаклларнинг ясалиши ягона, муштарак қоидага бўйсунди. Б. Гавренек, тил меъёрига таъриф берар экан, уни маълум бир лисоний гуруҳ учун шарт бўлган мажбурий қоида, тил тизимида ўз аксини топадиган, нутқда мунтазам равишда ишлатиладиган, акс ҳолда тил кишилар ўртасидаги алоқа воситаси вазифасини бажара олмаган бўлар эди, деб ҳисоблайди⁸.

В.А. Ицкович меъёр ҳодисасини тилнинг барча яшаш шакллари учун хослигини⁹, К.С. Горбачевич унинг турғун ва барқарор эканлигини¹⁰, Г. Хартунг, Р. Пулилар эса, меъёрни грамматика мутахассислари, луғатшунос ва махсус тавсияномаларни тузувчилар томонидан белгилаб бериладиган қонун деб

6 Щерба Л. В. О тройном аспекте языковых явлений / Акобиров С. Нутқ маданияти ва норматив луғат. – Т.: Ўзбекистон, 1977. – Б. 6.

7 Винокур Г.О. Из бесед о культуре речи // Русская речь. – М.: Наука, 1967. – С. 10-14.

8 Havrenek M.B. Zum Problem der Sprachform. Copenhagen, 1938. – P. 152 / Бегматов Э., Маматов А.

9 Ицкович В.А. Языковая норма. – М.: Просвещение, 1968. – С. 565.

10 Горбачевич К.С. Нормы литературного языка и толковые словари. – М.: Наука, 1966. – С. 6-9.

эътироф этадилар¹¹.

Р.И. Аванесовнинг таъбири билан айтганда, меъёр ижтимоий жамиятнинг тилга тегишли бўлган ички қонуниятлари ва ушбу жамиятнинг ҳаёт тарзи таъсирида ривожланади. Нутқ турларига қараб меъёрлар ҳам бир-биридан фарқланади¹². Тил меъёрларини, айниқса, адабий тил меъёрларини батамом аъло даражада ўзлаштирган кишиларнинг топилиши ёки мавжуд бўлиши мумкин эмаслиги, бу жуда ҳам катта меҳнат талаб қилувчи фаолият эканлиги ҳам ушбу олим томонидан эътироф этилади.

А.Э. Маматов меъёр атамасини – “тил структурасининг ижтимоий тил практикаси томонидан танлаб олинган ва мустаҳкамланган элементларининг барқарор, анъанавий реализациялари йиғиндисидир”¹³, деб тарифлайди.

Бизнинг фикримизча, меъёр бу – тил бирликларининг тил эгалари томонидан тан олинган, маъкул бўлган ҳамда тарих синовлари натижасида мустаҳкамланган вариантларини нутқда ифодалашдир.

Меъёр умумий ва хусусий гуруҳланган ҳолда ўрганилади¹⁴. Умумий меъёр маълум тилнинг барча кўринишларида қўлланилаётган меъёрларни ўз объекти деб ҳисобласа, хусусий меъёр эса, умумий меъёрнинг нутқ кўринишлари, шаклларидаги, тил шаклларидаги аниқ кўринишларини ўрганади. Хусусий меъёр, ўз навбатида, адабий тил, лаҳжа ва шевалар, сўзлашув нутқи, тилнинг ижтимоий тармоқларига хос меъёрларни ўрганади.

“Адабий тил меъёрлари” тушунчаси муайян қоидалар остига олинган, барқарор, шу билан бирга, доимо ривожланиб боровчи, ўзгариб турувчи, вариантдошлик хусусиятига эга бўлган, тил тизими томонидан йўл қўйилган тил ҳодисаларининг йиғиндиси бўлиб, тилдан фойдаланувчилар нутқида мустаҳкамланган, шунингдек, адабий тилда сўзлашувчилар учун умуммажбурий бўлган лисоний ҳодисадир, деб таърифланади¹⁵.

Адабий тилнинг фонетик, орфографик, орфоэпик, луғавий, фразеологик,

11 Pooley R.C. Teaching English usage. N. – Y. – L. 1946 / Бегматов Э., Маматов А. Адабий норма назарияси. 1- исм. – Т.: Наврўз, 1997. – Б. 22.

12 Аванесов Р.И. Русское литературное произношение. – М.: Просвещение, 1984. – С. 10.

13 Маматов А.Э. Нутқ маданияти ва тил нормасига оид терминлар ва тушунчалар изо и. – Т.: Bayoz, 2014. – Б. 16.

14 ўн уров Р., Бегматов Э., Тожиёв Ё. Нутқ маданияти ва услубият асослари. – Т.: Ўқувчи, 1992. – Б. 37.

15 Бегматов Э., Маматов А. Адабий норма назарияси. 3- исм. – Т.: Самар анд вилоят босмаҳонаси, 1999. – Б.23.

грамматик, семантик-услубий меъёрлари мавжуд бўлиб, мазкур меъёрлардан оддий сўзлашув, расмий, илмий, публицистик ва бадий услубларнинг ҳар бирида белгиланган лисоний қонун-қоидалар асосида ўринли фойдаланиш, уларнинг барчасига амал қилиш тўғри ва маданий нутқни юзага келтиради. Мулоқот чоғидаги нутқ маданияти меъёрийлик қонун-қоидалари орқали намоён бўлади.

Бироқ нутқ расмий ва норасмий, ёзма ва оғзаки, тайёрланган ва тайёрланмаган ҳамда шу каби бошқа вазиятларда юзага келиши билан характерланади. Турли шароит ва ҳолатлар тил меъёрларидан турлича фойдаланишни талаб қилади. Н. Кузнецова меъёр қоидалари нуқтаи назаридан нутқни тўғри ҳамда нотўғри деб баҳолаш мумкинлигини эътироф этади¹⁶.

Меъёрнинг бузилиши даражаси қандай вазиятда, нутқнинг қайси турида (оғзаки ёки ёзма), тингловчи ушбу хатони қандай қабул қилишига, мулоқот жараёнининг якуний натижасига қараб баҳоланиши лозим¹⁷.

Масалан, расмий нутқда шевада сўзлаш салбий ҳолат деб баҳоланса, норасмий вазиятларда ёки сўзлашув услубида бу ҳолат бироз енгил баҳоланади. Нутқий мулоқот вазиятининг турлича бўлишига қарамасдан, тўғри ва равон сўзлашга интилиш, тил меъёрлари, айниқса, адабий тил қонун-қоидаларига амал қилиш маданий нутқни юзага келтиради.

Айтиб ўтилган фикрлардан адабий тил меъёрлари нутқ маданияти назариясининг марказий тушунчаси эканлиги яна бир бор ўз тасдиғини топади. Адабий тил меъёрларига амал қилиш маданий нутқни юзага келтиради.

Нутқ маданиятининг коммуникатив аспекти дейилганда тўғри, маъно ва мазмунга эга бўлган нутқий фаолият назарда тутилади. Маълумки, нутқ бу – гапириш қобилияти, тилнинг фикрни ифодалаш жараёнида амал қилиши, сўзловчининг тил воситаларидан фойдаланиш жараёни ва шу жараённинг ҳосиласи. Нутқнинг коммуникатив аспекти эса, Э.А.

Маматовнинг таъбири билан айтганда, “Сухбат, лекция ёки маъруза планининг тингловчиларга мос келиши, тингловчиларни ўз нутқига жалб эта олиши, берилган материални мустаҳкамлай олиши, тингловчиларни сухбатга тайёрлай олиш, техник воситалардан, кўргазмали қуроллардан унумли фойдалана олиш, “сўзловчи–тингловчи” ўртасидаги мулоқотнинг доимийлигини таъминлаш

16 Кузнецова Н. Русский язык и культура речи. – М.: Форум, 2006. – С. 13.

17 Ипполитова Н.А, Князева О.Ю., Савова М.Р. Русский язык и культура речи. – М.: Проспект,

кабиларни қамрайди”¹⁸.

Нутқнинг коммуникатив аспекти борасида сўз борганда кўпчилик олимлар нутқнинг тўғрилиги, софлиги, аниқлиги, мантикийлиги, ифодалилиги, бойлиги, ўринлилиги каби бир қатор сифатларни назарда тутадилар (Н.А. Ипполитова, О.Ю. Князева, М.Р. Савова, А.Э. Маматов, Д. Тешабоева, Н. Маҳмудов, Т. Қудратов ва бошқалар).

Нутқнинг коммуникатив аспекти термини нутқнинг коммуникатив сифатлари, нутқнинг психологик маданияти номлари билан ҳам аталади¹⁹.

Нутқнинг бош коммуникатив сифати бу нутқнинг тўғри бўлишидир. Нутқнинг тўғрилиги дейилганда, тил меъёрларига амал қилиш, тил бирликларини тўғри, ифодали талаффуз қилиш, яъни асосий эътиборни сўз ва мантикий урғуга, оҳанг ҳамда паузага қаратиш тушунилади.

В. Костамаров²⁰ ва И. Михайловлар²¹ адабий тил меъёрларига риоя қилинган нутқни тўғри нутқ деб ҳисоблайдилар. Л.А. Введенская, Л.Г. Павлова²², С. Усмоновларнинг²³ ишларида ҳам ушбу мавзуга эътибор қаратилган.

Нутқда биргина паузани нотўғри қўллаш туфайли айтилаётган фикр мазмуни ўзгариб кетади. Масалан, Омина, келди. Бу гап мазмунидан Оминага кимнингдир келганлиги ҳақида айтилаётгани маъноси англашилмоқда (Омина – ундалма вазифасида). Агар бу гапда пауза бўлмаса Омина келди, яъни Оминанинг ўзи келганлиги маъноси англашилади. Инглиз тилида ҳам бу каби ҳолатни *Jhon read* мисолида кузатамиз. Мазкур мисолда Жоннинг ўқиганлиги маъноси англашилмоқда. Агар ушбу гап *Jhon, read* каби шаклда келса, Жон, ўқи деб таржима қилинади. Бунда Жон сўзи ундалма вазифасида келади.

Автобуга семиз портфелли киши чиқди ҳамда магазинга уч болали аёл кирди каби мисолларни ҳам келтириб ўтиш ўринли. Паузанинг қўйилишига қараб биринчи гапда семиз киши ёки семиз портфель, иккинчи гапда эса

18 Маматов А.Э. Нутқ маданияти ва тил нормасига оид терминлар ва тушунчалар изо и. – Т.: Вауоз, 2014. – Б. 20.

19 Муаммаджонова Л.А. Нотқнинг сифатлари. – Т.: Мирзо Улубек номли ЎЗМУ босмахонаси, 2007. – Б.54.

20 Костомаров В.Г. Культура речи и стиль. – М.: Просвещение, 1960. – С. 24.

21 Михайлов И. М. Культура русской речи. – Чебоксары: Чебоксар, 1966. – С. 123.

22 Введенская Л.А., Павлова Л.Г. Риторика и культура речи. – Ростов – на Дону: Феникс, 1998. – С. 109.

23 Usmonov S. Yuristning nutq madaniyati. – Т.: O`zbekiston faylasuflari jamiyati nashriyoti, 2007. – Б. 37-38.

учта фарзандга эга аёл ёки фарзанди бор учта аёл маънолари англашилади. **Инглиз тилидаги** *let's eat, grandma / let's eat grandma* ҳамда *he finds inspiration in cooking, his family and his dog / he finds inspiration in cooking his family and his dog* каби мисоллар ҳам шулар жумласидан.

Урғу ва грамматик меъёрларга амал қилиш ҳам нутқнинг тўғри бўлишини таъминлайди. Баъзан мантикий урғу нотўғри қўйилса, фикр тушунарсиз бўлиб қолади ва тингловчига нотўғри етиб бориши мумкин²⁴. Масалан, отасиз қиз кулмас гапида отаси ёнида бўлмаган қиз кулмайди, дейиляптими ёки отаси бўлмаган қиз кулмайди, деган фикр англашиляптими, буни фақат урғу олган бўлак орқали аниқлаш мумкин. Агар урғу отасиз сўзига тушса, биринчи маъно, агар қиз сўзига тушса, иккинчи маъно англашилади. **Инглиз тилида ҳам бундай каби ҳолат кузатилади. Масалан, *I like the white 'house* ҳамда *I work in the 'White House* гапларида урғуларнинг турли жойларда қўйилиши билан маъно ўзгаради. Биринчи гапда менга оқ рангли уй ёқади, иккинчи гапда эса мен Оқ уйда ишлайман деган маънолар англашилади.** Демак, нутқнинг тўғрилигини таъминлаш учун сўз ва мантикий урғуни тўғри қўллаш талаб қилинади, акс ҳолда, юқоридагидек мавҳум ҳолатлар юзага келиши мумкин.

Гапнинг барча бўлақларини бир-бирига грамматик қоидалар асосида тўғри боғлаш, гап тузиш қоидаларига амал қилиш грамматик меъёр талабларининг тўғри бажарилишини таъминлайди. Нутқда *-ни* ва *-нинг*, *-ли* ва *-лик* каби аффикслар ўрнини алмаштириб қўллаш (дадамни китоби каби), ҳарфларни тушириб қолдириш (келса керак дейиш ўрнига, кеса керак каби), эга ва кесимнинг бир-бирига мос келмаслиги (ойимлар келади / *my mother come* каби) нутқ тўғрилигига путур етказилади.

Нутқнинг тўғрилигини таъминлаш аксарият ҳолларда фикрни ҳар жиҳатдан мазмунли, ифодали қилувчи сўз ва атамалар ҳамда бирикмаларни топа олиш, уларни ўз ўрнида қўллаш олишга ҳам боғлиқ бўлади.

Нутқнинг софлиги дейилганда, фикрни тилнинг барча сатҳлари бўйича адабий тил меъёрларига мос ҳолда ифодалаш тушунилади. Кўпчилик олимларнинг ишларида ушбу мавзу тадқиқ этилган²⁵.

²⁴ ўн уров Р, Бегматов Э., Тожиев Ё. Нутқ маданияти ва услубият асослари. – Т.: Ўқитувчи, 1992.– Б. 50-51.

²⁵ Ипполитова Н.А, Князева О.Ю., Савова М.Р. Русский язык и культура речи. – М.: Проспект, 2009. – С. 216-217; Введенская Л.А., Павлова Л.Г. Риторика для юристов. – Ростов – на Дону: Феникс, 2006. – С. 81-86; Федосов И. А. Культура речи. – Ростов–на–Дону, изд-

Нутқда фонетик, орфоэпик жиҳатдан сўз ва аффиксларни тўғри талаффуз қилиш, лексик жиҳатдан шевага (эна, чеча, бача / *boyo* (man), *aye* (yes), *ye* (you) каби), жаргон ҳамда арголарга хос лексикани (пахан, братан, кўк (доллар маъносида) / *bro, sis, lettuce* (латук салат барги – доллар маъносида), модал ва ундов сўзларни (демак, хўш, анақа, хўп, ...э / *well, um, uh, er, ah* каби), сўқиш, қарғаш, ғазабланишга доир лексикани қўлламаслик нутқнинг соф бўлишига олиб келади.

Л.В. Успенскийнинг нутқ софлиги борасидаги фикрлари алоҳида эътиборга лойиқ²⁶. Унинг таъкидлашича, инсон нутқининг соф бўлиши, энг аввало, чақалоқлик давридаги муҳит билан чамбарчас боғлиқ. “Салбий нутқий оқим” ҳукм сурган муҳитда, оилада катта бўлган боланинг онгида “салбий лексик бойлик” унинг кичиклик давридаёқ шиддат билан ривож топади. Олимнинг таъкидлашича, бола нутқини бу каби сўзлардан халос қилиш “ёзув тахтасидаги ёзувни ўчиргандек” осон бўлмайди. Ушбу фикрлар инсон нутқининг соф бўлиши у ўсиб-улғайган муҳит, оила, ота-онанинг берган тарбияси билан узвий боғлиқ эканлигини тасдиқлайди.

Нутқнинг аниқлиги ҳам нутқнинг коммуникатив сифатини таъминловчи шартлардан биридир. Ушбу мавзуга тегишли фикрлар кўпчилик олимларнинг ишларида кузатилади²⁷.

Нутқнинг аниқлиги дейилганда, ифодаланаётган фикрга, воқеликка сўз ва атамаларнинг мувофиқ келиши тушунилади.

Нутқнинг аниқлиги мавзуни билиш даражаси, мантиқий фикрлаш, керакли сўзларни танлай билиш билан ҳам белгиланади²⁸. Б. Головин сўз ва унинг кўпчилик томонидан қабул қилинган маъноси унинг нутқда қўлланиши билан мувофиқ келиши ходисасини аниқлик деб ҳисоблайди²⁹.

во Ростовского университета, 1979. – С. 16-19; Бегматов Э., Жиянова Н. Нутқ маданияти асослари. – Т.: Фан, 2006. – Б. 64-76.

26 Успенский Л. В. Культура речи. – М.: Знание, 1976. – 20 с.

27 Ипполитова Н.А., Князева О.Ю., Савова М.Р. Русский язык и культура речи. – М.: Проспект, 2009. – С. 225-230; Федосов И. А. Культура речи. – Ростов-на-Дону, изд-во Ростовского университета, 1979. – С. 16; Бегматов Э., Бобоева А., Асомиддинова М., Умур улов Б. Ўзбек нутқ маданияти очерклари. – Т.: Фан, 1988. – Б. 105; Бегматов Э., Жиянова Н. Нутқ маданияти асослари. – Т.: Фан, 2006. – Б. 64-76; Usmonov S. Yuristning nutq madaniyati. – Т.: O`zbekiston faylasuflari jamiyati nashriyoti, 2007. – Б. 39-42; Тешабоева Д.М. Оммавий ахборот воситалари тилининг нутқ маданияти аспектида тадқиқи (ЎзР ОАВ мисолида): Филол. фан. док. ...дис. автореф. – Тошкент: ЎзДЖТУ, 2012. – Б. 28; Ножин Е.А. Мастерство устного выступления. – М.: Издательство политической литературы, 1989. – С.190-195.

28 Введенская Л.А., Павлова Л.Г. Риторика для юристов. – Ростов – на Дону: Феникс, 2006. – С. 82-104.

29 Головин Б.Н. Основы культуры речи. – М.: Высшая школа, 1980. – С. 126.

Тилнинг аниқлигига путур етказиш ҳоллари, асосан, кўп сўзларнинг маъносини аниқ билмасликдан келиб чиқади³⁰.

Сўзловчи нутқининг аниқ бўлиши учун ундан синоним, омоним, антоним, пароним сўзлар, атамаларнинг маъно қирраларини тўла англаб етиш ҳамда улардан ўринли фойдалана олиш талаб қилинади.

Н.Ф. Кошанскийнинг тадқиқотида ҳам предмет ва тушунча аниқлиги борасида фикрлар келтириб ўтилади. Предмет аниқлиги дейилганда, сўзламоқчи ёки ёзма равишда ёритилмоқчи бўлган мавзунини жуда яхши билиш назарда тутилади. Мисол тариқасида сиёсий ёки ҳарбий соҳани тушунмасдан, билмасдан туриб, ушбу йўналишга оид бирон-бир асар яратиш ёки маъруза ўқиш мумкин эмаслигини қайд этиш мумкин. Тушунча аниқлиги дейилганда эса, кўп маъноли сўзларнинг турли маъноларини фарқлай олиш ва уларни ўз ўрнида қўллай билиш тушунилади³¹. Юқоридаги фикрлардан маълум бўладики, мавзунини аниқ билиш ва сўзларнинг маъноларини турли хил вазиятларда тўғри қўллай олиш нутқ аниқлигининг *асосидир*.

Қолаверса, нутқ аниқлигини товуш оҳангининг ҳаддан зиёд монотонлиги ёки баландлиги ҳам сусайтиради. С.И. Березиннинг тадқиқотида ҳам ушбу мавзуга оид фикрлар кузатилади³².

Нутқнинг коммуникатив сифатларидан яна бири бу – мантикийликдир. Маълумки, мантиқ сўзлар ва улардан ташкил топган бутун бир гапдан келиб чиқадиган ҳукм ва тушунчаларни ифодалайди ва у аниқлик, тўғрилиқ билан узвий боғлиқдир. Нутқ меъёрларига тўлиқ амал қилмаслик нутқ мантикийлигининг бузилишига олиб келади.

Форобийнинг: “Мантиқнинг ақлга муносабати грамматиканинг тилга муносабати кабидир. Грамматика одамлар нутқини тарбиялагани каби мантиқ ҳам тафаккурни ҳақиқий йўлдан олиб бориш учун ақлни тўғрилаб туради”³³, деган фикрларини мантиқ илмининг мазмун-моҳиятини аниқ ифода этиб берувчи ўринли таъриф деб биламиз.

Маданий нутқ ҳамма вақт мантиқ ва руҳшуносликка суянади. Мантиққа

30 Федосов И. А. Культура речи. – Ростов–на–Дону, изд-во Ростовского университета, 1979. – С. 16.

31 Кошанский Н.Ф. Риторика. – М.: Кафедра, 2013. – С. 105-106.

32 Березин С. И. Ораторское искусство. – Ленинград: ЛДНТП, 1970. – С. 4.

33 Usmonov S. Yuristning nutq madaniyati. – T.: O`zbekiston faylasuflari jamiyati nashriyoti, 2007.

– Б. 41.

мурожаат қилмасдан туриб, аниқлик ва мантиқийликни таъминлаш ҳам, баҳолаш ҳам мумкин эмас³⁴.

Мантиқийлик хусусияти худди аниқлик каби нутқнинг мазмунини белгилайди. Аниқлик нутқ семантикасининг матн мазмуни билан мутаносиблиги сифатида талқин этилса, мантиқийлик нутқий семантиканинг таркибини англатади. Грамматик жиҳатдан шаклланмаган нутқ ҳам, нутқда ноўрин қўлланилган луғавий бирликлар, грамматик шакллар ҳам нутқнинг мантиқийлигига путур етказилади.

Нутқнинг мантиқийлиги маълум бир фикрни иккинчи фикрга боғлай олиш, мавзунинг кириш қисмидан то якуний қисмигача тўғри жойлаштири олиш асосида юзага келади. Агар юқорида қайд этилган қисмларнинг кетма-кетлиги ўзгарса, мантиқ ва маъно йўқолиши, тингловчига етказиладиган фикр тушунарсиз бўлиши табиий. Шунинг учун нутқий мантиқ талабига мувофиқ гаплар ўртасида изчиллик бўлиши, уларнинг бирида баён этилган фикр иккинчиси орқали тўлдирилиши керак. **Гаплар ўртасида фикрий изчиллик йўқолиши билан мантиқийликка путур етади.** Демак, гапда тушунчалар учун муқобил бўла оладиган сўзлар, атамаларни ўз ўрнида қўллаш олиш, сўзларни бири-бири билан узвий боғлаш ҳамда уларнинг тартибига риоя қилиш, гапларнинг кетма-кетлигини эса, мазмунга мослаб туза олиш ҳамда фикрнинг тугалланган бўлиши мантиқийликнинг асоси ҳисобланади.

Нутқ қисмлари кетма-кетлигининг ўзгариши, мантиқан бир-бирига мос келмайдиган икки тушунчани қиёслаш, сўзларнинг тушиб қолиши ёки уларнинг нотўғри жойлаштирилиши мантиқий хатолар ҳисобланади³⁵.

Нутқда муболағани кучайтириб юбориш ҳам нутқ мантиқийлигининг бузилишига сабаб бўлади. Муболаға тасвирланаётган кимса, нарса, ҳодисани ўқувчиларга яққол, таъсирли қилиб етказиш учун уларнинг сифатларини орттириб, бўрттириб кўрсатиш, деб изоҳланади³⁶.

Р. Қўнғуровнинг тадқиқотида келтирилган³⁷: *“Новвойдан бир қадоқ нон ол-*

34 Бекмирзаев Н. Ноти ва нутқ . – Т.: Наврўз, 2015. – Б. 11.

35 Ипполитова Н.А., Князева О.Ю., Савова М.Р. Русский язык и культура речи. – М.: Проспект, 2009. – С. 250; Кнапп Е. А. The Speech for Special Occasions. – New York: The Mackmillan Company, 1979. – P. 17.

36 Ўзбек тилининг изоли ати. 5 жилдли. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006. 2-Ж. – Б. 623.

37 Ўн уров Р., Бегматов Э., Тожиев Ё. Нутқ маданияти ва услубият асослари. – Т.: Ўн урғучи, 1992. – Б. 59.

сам ичидан бир курак мих билан иккита олти газлик арқон чиқди”, жумласини муаллиф мантиқсиз гапнинг ўзгинаси деб баҳолайди.

Ўзбек тилида айрим сўзларнинг тушиб қолиши, айрим товушларнинг фарқига бормаслик (у ва ў, о ва ў, х ва ҳ каби ҳарфлар), айириш ва пунктуация белгиларининг қўлланиш қоидасини билмаслик каби ҳолатлар ҳам мантиқийликнинг бузилишига асос бўлади. Инглиз тилида ҳам *-ing* ва *-ed* аффиксларининг ишлатилиш қоидаларини билмаслик (*amazed / amazing*), жуфт ҳарфлар ўрнида битта ҳарфни қўллаш (*letter / leter*), предлогларни ноўрин қўллаш (*look for / look after*) каби ҳолатлар нутқ мантиқийлигига путур етказди.

Қолаверса, нутқ қисмларини бир-бири билан узвий боғловчи сўзлардан (сўзимиз аввалида, иккинчидан, айтиш жоизки, айтилган фикрлардан маълум бўладики, нутқимиз сўнгида / *at first, first of all, second, we should say, that is clear, at last* каби) ўринли фойдаланиш нутқий мантиқийликни таъминлашга асос бўлади.

Демак, бир бутунликдан ташкил топган, маълум бир кетма-кетлик асосида тузилган тил бирликларининг ўринли ва мавзуга мос равишда қўлланилиши ҳамда тил меъёрлари қоидаларига риоя қилиш асосида қурилган нутқни мантиқийликка эга деб ҳисоблаш мумкин.

Нутқнинг асосий сифатларидан яна бири нутқ таъсирчанлигидир. Нутқнинг тўғрилиги, аниқлиги, мантиқийлиги ва тозалигининг адресатга таъсир этишга қаратилганлиги ҳодисаси нутқнинг таъсирчанлиги ҳисобланади³⁸. В.Г. Костомаров эса ўқувчи ва тингловчида ҳис-туйғу ҳамда қизиқиш уйғотиш, унинг эътиборини маълум бир мавзуга қаратиш, сўзланаётган фикрнинг маъносини етказиб беришда нутқнинг ўткирлиги, ёрқинлиги ва оригиналликни энг муҳим омил деб ҳисоблайди³⁹.

Бизнинг фикримизча, кишилар диққатини жалб эта олган, уларни маълум бир мавзуга қизиқтира олган, фаолиятга ундай олган нутқни юқори таъсирчанликка эга деб ҳисоблаш мумкин. Бунда сўзловчидан мулоқот жараёнидаги вазиятни, ҳолатни, вақтни, тингловчига хос бўлган барча сифатларни инобатга олиш, вазиятга қараб иш тутиш талаб қилинади. Нутқнинг барча коммуникатив сифатларини ўз ўрнида, аниқ ва равшан

38 Маматов А.Э. Нутқ маданияти ва тил нормасига оид терминлар ва тушунчалар изо и. – Т.: Bayoz, 2014. – Б. 22.

39 Костомаров В.Г. Культура речи и стиль. –М.: Просвещение, 1960. – С. 64.

ифода этиш, тил меъёрлари қоидаларига риоя қилиш, нутқ мавзусини яхши билиш орқали нутқ таъсирчанлиги таъминланади. Товуш оҳанги, пауза, талаффуз қоидаларини ўз ўрнида қўллаш ҳам шу ўринда зарур омил ҳисобланади. Нутқда услубий воситалар, фразеологик бирликлар, мақол ва маталлардан ўринли фойдаланиш нутқ таъсирчанлигини оширади.

Ва ниҳоят, нутқнинг ўринлилиги ҳам муҳим аҳамиятга эга. Нутқнинг ўринлилиги дейилганда, вазият ҳамда мулоқот онининг асосий мавзуга, суҳбатдошнинг кайфиятига нисбатан тўғри ва мос танланиши тушунилади. Олимлар мулоқот мавзусининг тўғри ва ўринли танланиши суҳбат натижаси муваффақиятли бўлишининг асоси деб ҳисоблайдилар⁴⁰.

Нутқ ўринлилиги, асосан, сўзловчининг маҳорати билан боғлиқ ҳодисадир. Суҳбатдошнинг ёши, жинси, миллати, дини, психологик ҳолатининг инobatга олиниши нутқ ўринлилигининг асоси ҳисобланади.

Нутқий услубларни ўз ўрнида қўллаш, масалан, расмий услубда ўзига хос тил бирликларини, ёзма услубда эса, матн турига қараб сўзлар танлаш ҳам нутқнинг ўринлилиги гаровидир. Нутқнинг мулоқот вазиятига мос келиши ҳам ўринлиликни таъминлайди. Масалан, боши берк кўчанинг охирига оқ йўл / have a good trip деб, жар ёқасига хуш келибсиз / welcome деб ёзиб қўйилиши, мотам маросимида табриклаймиз, жуда яхши бўлибдида / congratulations, that's well done дейиш каби ҳолатларда нутқ мазмуни мулоқот вазиятига умуман мос келмаслиги кузатилади.

Н. Маҳмудов ҳам бу борада: “Кимнингдир оғир касаллиги ёки вафоти ҳақидаги фикрни ифодалаш учун тузиладиган нутқда ортикча чиройлилик, жимжимадорлик, кўтаринкилик бўлмаслиги лозим, акс ҳолда нутқ ўринли ҳисобланмайди⁴¹”, деган фикрларни илгари суради.

Маълум бўладики, сўзловчининг муайян вазиятда нимани ва қай ҳолатда айта олиши, яъни шароитдан оқилона фойдаланган ҳолда нутқ сўзлаши нутқнинг қанчалик ўринли эканлигини кўрсатади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, нутқнинг тўғрилиги, аниқлиги,

40 Кузнецова Н. Русский язык и культура речи. – М.: Форум, 2006. – С. 13; Ипполитова Н.А., Князева О.Ю., Савова М.Р. Русский язык и культура речи. – М.: Проспект, 2009. – С. 216-217; Введенская Л.А., Павлова Л.Г. Риторика для юристов. – Ростов – на Дону: Феникс, 2006. – С. 81-86; Ма мудов Н. Тилимизнинг тилла санди и. – Т.: афур улом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2012. – Б. 135-138.

41 Ма мудов Н. Тилимизнинг тилла санди и. – Т.: афур улом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2012. – Б. 135

мантикийлиги, софлиги, таъсирчанлиги, ўринлилиги каби коммуникатив сифатларининг ҳар бири ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, нутқнинг мазмундор, аниқ, равон ҳамда тушунарли бўлишида муҳим аҳамиятга эгаллиги билан характерланади. Сўзловчи нутқда уларнинг маълум қонун-қоидалар асосида мужассам бўлиши маданий нутқни юзага келтиради. Тилнинг барча меъёрларига амал қилинган, аниқ, грамматик жиҳатдан тўғри тузилган, адабий талаффуз қоидалари асосида шаклланган нутқ тингловчи қалбига осонроқ етиб боради.

Нутқ маданиятининг этик аспекти, асосан, нутқнинг маълум бир жамоага тегишли бўлган одоб-ахлоқ қоидаларини инобатга олган ҳолда баён этилиши билан боғлиқ бўлган муаммоларни ўрганиш билан шуғулланади. Маданий сўзлашга интилиш, ўз навбатида, нутқий этикет қоидаларига риоя қилишни ҳам талаб этади. Тилшуносликда нутқ маданиятининг этик аспекти йўналишини ўзаро муомалада қўлланиши нутқ одоби ҳамда нутқий этикет номлари билан ҳам атаб келинмоқда.

Нутқий этикет деганда, бир тил жамоаси доирасида амал қилинган анъанавий қоидалар, суҳбатдошларнинг бир-бирини ўзаро назорат қилиши⁴², кишилар ўртасидаги нутқий алоқа жараёнида қўпол сўз ва иборалар қўшмасдан, ўз фикрини аниқ, пишиқ, хатосиз ва чиройли қилиб ифодалаш⁴³, айтилиши зарур бўлган хабарларни, тингловчини ҳурмат қилган ҳолда, унинг кўнглига мос, адабий тил меъёридаги ифодалар билан етказиш⁴⁴ назарда тутилади. Баъзи олимлар нутқ одоби деб юритилган содда ва ўринли гапириш, қисқа ва мазмундор сўзлаш, эзмалик ва лақмаликни қоралаш, кексалар ва устозлар олдида гапирганда одоб сақлаш, тўғри, рост ва дадил гапириш, ёлғончилик ва тилёғламаликни қоралаш сингари бир қатор қоида ва кўрсатмалар нутқ маданияти тушунчасининг айнан ўзидир, деган қарашларни ҳамилгари сурадилар⁴⁵. Н. **Формановская**⁴⁶, нутқ одоби деганда сўзлашув қоидаларини тартибга солувчи миллий хусусиятларни, жамият томонидан суҳбатдош билан мулоқот ўрнатиш, мулоқотни танланган тоналликда давом эттириш ёки тугатиш учун қабул қилинган сўзлаш формулаларини назарда

42 осимов Э.Й. Шифокорнинг нутқ маданияти ва бемор билан мулоқот санъати. – Т.: Шар, 2002. – Б. 13.

43 Маматов А.Э. Нутқ маданияти ва тил нормасига оид терминлар ва тушунчалар изоҳи. – Т.: Вауоз, 2014. – Б. 21.

44 удратов Т. Нутқ маданияти асослари. – Т.: Ўқитуви, 1993. – Б. 77.

45 Пўлатов И., Аҳмедова Х. Нутқ маданияти усуллари. – Т.: Fan va texnologiya, 2008. – Б. 27.

46 **Формановская** Н.И. Русский речевого этикет: лингвистический и методический аспекты. – М.: Высшая школа, 1967. – С. 160.

тутади.

Мулоқот жараёнида сўзловчи ва тингловчи риоя қилиши лозим бўлган қоидалар мавжуд бўлиб⁴⁷, қисқа ва лўнда сўзлаш, ёлғон ишлатмаслик, шахсий “мен”га урғу беравермаслик, мақтанчоқлик қилмаслик, тинглай билиш, гапни бўлмаслик каби бир қатор қоидалар шулар жумласидан.

Нутқ одоби фарзанд, ота-она, устозлар, буви ва бува, дўст-биродарлар, қариндош-уруғларга бўлган муносабатларда ўз ифодасини топади⁴⁸. Нутқ одоби суҳбатдошлар ўртасида алоқа ўрнатиш, хурмат маъносини ифодалаш, мулоқот мавқеини аниқлаш, мулоқот учун ижобий эмоционал вазият яратиш ва тингловчига таъсир қилиш каби бир қатор коммуникатив функцияларга эгаллиги билан ҳам характерланади⁴⁹.

Биз нутқ одоби деганда, маълум бир жамоа, ижтимоий гуруҳ ичида уларнинг маданият меъёрлари, қоидаларига риоя қилиш ҳамда уларни хурмат қилиш орқали нутқ сўзлаш, фикр ифодалашни тушунамиз. **Нутқ одоби кишининг ўзгалар билан мулоқотда бўлиши жараёнида юзага келувчи фаолиятдир. Ҳар қандай нутқ одоби сўзловчининг ақлий, маънавий ва маданий етуклик даражаси билан баҳоланади.**

Нутқ одоби мулоқот вазиятидан келиб чиқувчи нутқий фаолиятдир. Масалан, сиз олмошини раҳбарга нисбатан қўллаб туриб, кейин сенлашга ўтиб кетиш ноқулай вазиятни юзага келтирса, йигит қизни тўйдан олдин сизлаб, тўйдан кейин сенлаши ҳеч қандай тушунмовчиликни юзага келтирмайди. Демак, “нутқ одоби” тушунчаси нутқий ҳолат ва вазият нуқтаи назаридан турлича талқин этилади.

Нутқий шароитнинг расмий ёки норасмийлиги, суҳбатдошларнинг яқинлик даражаси, ёши, жинси, миллати каби бир қатор омиллар нутқ одобининг намоён бўлишида катта аҳамият касб этади. Ҳар бир вазият, ҳолат ўзига хос нутқ одобини талаб қилади. Масалан, телефонда гаплашиш, транспорт воситаларида бегона

47 Сабрина Б. Жамоат этикети. – Т.: Янги аср авлоди, 2011. – Б. 25.

48 Аасамаа И. Яхши фазилат инсонга зийнат. – Т.: Ўзбекистон, 1975. – 173 б.; Сабрина Б. Этикетнинг олтин китоби. – Т.: Янги аср авлоди, 2010. – 291 б.; **Формановская Н.И.** Русский речевого этикет: лингвистический и методический аспекты. – М.: Высшая школа, 1967. – 160 с.; **Формановская Н.И.** Употребление русского речевого этикета. – М.: Русский язык, 1982. – 130 с.; Тўраева О. Оилавий аёт этикаси ва психологияси. – Т.: Ў итувчи, 1990. – 222 б.; Тўлаганова Т.М. Адаб дурдоналари ва ахлоқ. – Т.: Ёзувчи, 1999. – 20 б.; Усмонов М. Одобрнома. – Т.: ФАН, 1991. – 164 б.; Сафо Очил. Инсон зийнати одобдур. – Т.: Ў итувчи, 1996. – 198 б.

49 Аршавская Е.А. Речевого этикет современных американцев США (на материале приветствий) // Национально-культурная специфика речевого поведения. – М.: Наука, 1977. – С. 268-277.

инсонларга мурожаат қилиш, имтиҳонда жавоб бериш, дўст ва биродарлар билан суҳбатлашиш, фарзанд билан сўзлашиш кабилар умумий одоб-ахлоқ қоидаларига амал қилишни талаб қилувчи ҳолатлар бўлишига қарамай, ушбу шароитлардаги нутқ одоби бир-биридан бироз бўлса-да фарқланади. Жиддийлик, самимийлик, хушчақчақлик, очикқўнгиллик, оқиллик, илтифотлилик каби хислатлар юқоридаги нутқий вазиятларга қараб ифода этилади.

Хатти-ҳаракатлар ва мимиканинг нутқ одобига оид маъноларидаги хилма-хиллик имо-ишора ва мимик коммуникация тадқиқотлари системаси доирасида ўрганилади⁵⁰. Масалан, этикет талабларига тўла жавоб берувчи, айтилган нутқ элементларини такрорловчи, камситувчи маънога эга белгилар нутқ этикети нуқтаи назаридан паралингвистик белгилар ҳисобланади.

Нутқ одоби ҳар бир миллатнинг тилида миллийликка хос бўлган жиҳатлар орқали намоён бўлади. Масалан, ўзбекларда ота-оналар бир-бирларига онаси, дадаси деб ёки исmlарини айтиб мурожаат қиладилар. Инглиз оилаларида эса, *father, mother* эмас, балки *dear (азизим), darling (жоним)* каби мурожаатлар тез-тез учрайди. Ўзбек оилаларида барчанинг олдида эр-хотиннинг бир-бирига азизим, жоним деб мурожаат қилиши одоб-ахлоқ қоидаларига тўғри келмайди. Ёки инглизлар саломлашиш жараёнида бош кийимни ечишни, кўп ҳолларда об-ҳаво борасида сўз юритишни, ўзбеклар эса кўлини кўксига қўйиб сўрашиш чоғида суҳбатдошининг оила аъзолари, унинг шахсий ишлари борасида батафсил сўраб-суриштиришни нутқ одобининг меъёри деб биладилар. Ҳар бир халққа хос бўлган урф-одатлар, байрам ва анъаналар, миллий тадбирлар нутқ одобининг турли мамлакатларда ўзига хос намоён бўлишини кўрсатиб беради.

Нутқ одоби кишининг хатти-ҳаракатлари ва лисоний фаолиятининг умумий жамланмаси сифатида ҳам баҳоланади. У саломлашиш, узр сўраш, илтимос қилиш, миннатдорчилик билдириш, табриклаш, мурожаат қилиш каби фаолиятларда ўз ифодасини топади. Кўча, ишхона, уй, ўқув даргоҳлари, кино, театр каби кўплаб жойларда кишилар ўзига хос бўлган нутқ одобини ифода этадилар. Меҳмон кутиш, меҳмонга бориш, байрам ва тадбирларда иштирок этиш, йиғилишларда қатнашиш, дўстлар билан суҳбат қуриш каби бир қатор фаолиятлар ҳам бир-биридан фарқланувчи нутқ одоби қоидаларига риоя қилишни ҳар бир кишидан талаб қилади.

50 Пюрбеев Г.Ц. Речевой этикет и язык жестов у калмыков и монголов// Национальная культура общения. Тезисы конференции. – М., 1977. – С . 62-64.

Юқоридаги фикрлардан маълум бўладики, нутқ маданиятининг этик аспекти кишининг нутқида одоб ва ахлоқ қоидаларига оид муаммоларни, вазиятга қараб нутқ сўзлаш, маънавий ва маданий тарбиянинг нутқдаги ифодаси каби бир қатор масалаларни назарий жиҳатдан ўрганади.

Нутқ маданиятининг риторик аспекти, биринчи навбатда, нотиклик назариясининг асосларини ўрганади. Риторика сўзи турли хил изоҳлар билан талқин этилган. Масалан, инглиз тилидаги луғатларда риторикага: а) ёзма ёки оғзаки нутқ таъсирчанлигини оширишда сўзлардан фойдалана билиш санъати; б) бирор-бир ишга ундаш мақсадида сўзланган нутқ; в) ёрқин ва ошириб юборилган нутқ, сунъий сўзга чечанлик, жуда кўркем нутқ, лекин аниқ бир фикрни, ҳаққоний бир ҳаракатни ўзида мужассам этмайдиган нутқ; г) ёзма ва оғзаки ундаш санъати; д) сўзга чечанлик орқали аудиторияга таъсир қилиш; е) бу – нотиклик; ё) у инсонларнинг ҳислари ёки фикрларига таъсир қилиш мақсадида тузилган нутқ ёки ёзиш орқали таъсир қилиш қонун-қоидаларини ўз ичига олади, деб таъриф берилади⁵¹. Рус тили изоҳли луғатида эса: “Риторика бу – нотиклик санъатининг назарияси. У чиройли ва тайёрланган, лекин аслида маънога бой бўлмаган нутқдир”, деб эътироф этилади⁵². Ўзбек тилининг изоҳли луғатида: “Риторика – бу антик даврда ва кейинги даврларда нотиклик санъати ва умуман, бадий наср ҳақидаги фан, нотиклик назарияси ва санъати, баландпарвоз, тумтароқли, лекин қуруқ, мазмунсиз нутқ, баён”, деб таърифланади⁵³. Тилшуносликка оид луғатларда риторика: “Таъсирчан ва ифодали нутқни назарий жиҳатдан ўрганувчи соҳа”, деб талқин этилади⁵⁴.

Антик давр нотиклари риторикани: “Маълум бир мавзуда тингловчини ишонтира олиш йўллари билиш санъати” (Аристотель), “Яхши нутқ сўзлаш ҳақидаги фан” (Квинтилиан), “Фойдали ва тўғри сўзлашга ўргатувчи фан, ширинсўзлик, ифодалилик” (Макария) деб билсалар, рус олимлари уни: “*Фикр-*

51 Britannica Concise Encyclopedia. – USA: Encyclopedia Britannica, 2003. – P. 1575; Webster’s New World Dictionary of American English. Third College Edition. – New York: Oxford University Press, 1989. – P. 1151; Webster’s II New Riverside Desk Dictionary for Home, School, Office. – Boston, New York: Muffin Company, 1988. – P. 360; Webster’s Third New International Dictionary of English Language Unabridged. – USA: Merriam Webster Publishers, 1989. – P. 1946; Collins Cobuild English Language Dictionary. – Glasgow: Harper Collins, 1998. – P. 1245; Funk and Wagnalls New Encyclopedia. – USA: Funk and Wagnalls, 1976. V 22. – P. 252.

52 Ожегов С.И. Словарь русского языка. – М.: Русский язык, 1987. – С. 554.

53 Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдди. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2007. 3-Ж. – Б. 387.

54 Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. – М.: Советская энциклопедия, 1969. – С. 389.

ларни кашф этиш, жойлаштириш ва баён қилиш санъати” (Ф.Н. Кошанский)⁵⁵, “Ифодали сўзлай билиш санъати, ўзгаларни ўз фикрига қўшилишга кўндира олиш, таъсир қила билиш” (Ломоносов М.В.), “Қалбларни ларзага солувчи, ўзга қалбларни нотикнинг хоҳиш-истаклари билан тўлдирувчи, уларни нотикнинг мақсадлари сари йўналтира олувчи бир неъматдир” (Н. Кошанский, М.М. Сперанский)⁵⁶, деб таърифлайдилар. **В.Г. Белинский⁵⁷ эса риторикани – “Стилистиканинг ўзгинаси” деб, Г.З. Апресян эса уни – “Санъатлар маликаси” номи билан атайди⁵⁸.**

Риторика қадимда худолар тили⁵⁹, жодугарлик, сеҳргарлик, занглаган миҳни олтин тангага айлантириш санъати⁶⁰, деб ном қозонганлиги ҳақида ҳам фикрлар мавжуд. Психологлар эса, уни юмшоқ ишонтириш санъати, деб номлайдилар⁶¹.

Чет эл олимлари томонидан риторикага: “Ишонтириш, яхши сўзлаш ва нутқни безаш санъати” (В. Флорескю), “Ундовчи нутқнинг назарияси” (С. Перелмен, Б. Франс, Гейснер), “Турли хил нутқларни кузатиш натижасида юзага келган санъат” (Д. Марсес), “Хоҳишларни уйғотиш мақсадида ақлни, онгни ишлата билиш санъати” (Бекон)⁶², “Куч ва қудрат” (Поль Сопер⁶³, Т. Макаули ва Д. Уэбстер⁶⁴), “Ҳар қандай нутқ тузилишини ўрганувчи фан” (Э. Секст)⁶⁵, “Фикрларни ифода этиш санъати” (И. Умберто)⁶⁶, “Нутқ мақсадига эришиш йўлида сўзлай билиш санъати” (Гетти), “Фикрни аниқ етказиб бериш санъати” (Карпендер), “Маслаҳат бериш санъати” (Увейвер), “Маълумот бериш, ишонтириш ва ундаш санъати” (Корбет), “Матндан бошқа ҳеч нима эмас” (Дерида)⁶⁷, “Мақсадни амалга оширишнинг янада яхшироқ йўллари излаб топиш назарияси” (Ф. Бекон, А.

55 Кошанский Н.Ф. Риторика. – М.: Кафедра, 2013. – С. 11.

56 Габуниа З., Башиева С. Риторика как часть традиционной культуры. – Нальчик, ЭЛЬФА, 1993. – С. 3-77.

57 Березин С. И. Ораторское искусство. – Ленинград: ЛДНТП, 1970. – С. 10.

58 Апресян Г.З. Ораторское искусство. – М.: МУ, 1978. – С. 7.

59 Рабинович Е. Риторика повседневности. – Санкт Петербург, Ивана Лимбаха, 2000. – С. 73.

60 Шведов И. Искусство убеждать. – Киев: Молодь, 1986. – С. 92.

61 Сатторов Э.Н. Омадга эришиш психологияси. – Т.: афур улом номидаги нашриёт матбаа ижодий уйи, 2014. – Б. 79.

62 Тарасов Е.Ф. и другие. Речевое воздействие в сфере массовой коммуникации. – М.: Наука, 1990. – С. 15-21.

63 Поль Л. Сопер. Основы искусства речи. – Ростов-на-Дону, Феникс, 1995. – С. 15.

64 Дороти Л. Убедительная речь. – М.: Астрель, 2006, – С. 12.

65 Рождественский Ю.В. Введение в общую филологию. – М.: Добросовесть, 1979. – С. 27.

66 <http://www.ukrreferat.com>

67 <http://www.public.asu.edu>

Кинг, Ж. Кюперс), “Тушунмовчиликларнинг ечимини излаб топувчи соҳа” (И.А. Ричардс), “Нутқ орқали жимликни юзага келтириш санъати бўлиб, жимлик ва сукунатдан сўнггина мулоқот мақсадига ўтиш мумкин” (Р.И. Ватз)⁶⁸ каби турли таърифлар берилган.

Р. Гандапас риторикани эркак ва аёллар орасида вужудга келувчи севги ҳиссиётига қиёслайди. Муаллифнинг таъкидлашича, мулоқот жараёнида сўзловчи ва тингловчи ўртасида вужудга келувчи меҳр ва муҳаббат нутқ муваффақиятининг таъминланишига асос бўлади⁶⁹.

С. Иномхўжаев расмий жонли сўз санъати жараёнини риториканинг предмети деб билади⁷⁰. Лекин, мазкур олимнинг фикрларидан фарқли ўларок, бир гуруҳ олимлар риториканинг предмети нафақат расмий, балки норасмий жонли сўз санъати жараёни ҳамдир, у нутқнинг барча турларини ўрганади, деб таъкидлайдилар (Ю. Рождественский, Н. Зарецкая, З. Габуниа, С. Башиева ва бошқалар).

Биз юқорида келтирган: “Риторика... аслида маънога бой бўлмаган нутқдир...”⁷¹, у баландпарвоз, тумтароқли, лекин қуруқ, мазмунсиз нутқ, баён...”⁷² деган фикрлардан йироқмиз. Бизнинг фикримизча, риториканинг асосида маълум бир мақсад, интилиш, ҳаракат, умид ва ишонч мавжуд. Риторика асосида қурилган нутқ инсонларни муайян мақсадга қаратилган ҳаракат сари йўналтиришни ўзининг вазифаси деб билади.

Бизнингча, риторика – фикрларни ифодали, маъноли, таъсирчан баён этган ҳолда тингловчи ёки суҳбатдошга таъсир этиш, уларни сўзловчи мақсадлари томон жалб қилиш, нутқ мавзусига қизиқтириш ва ишонтириш санъатидир. Биз риторикани ундаш ва ишонтириш санъати ҳамда таъсирчан нутқни назарий жиҳатдан талқин қилувчи соҳа деган барча фикр ва қарашлар тарафдоримиз.

Юқоридаги фикрлардан маълум бўладикки, риторик аспекти нотиклик назарияси асосларини ўрганиш билан бир қаторда, нутқнинг таъсирчанлиги билан боғлиқ лисоний ҳодисаларни назарий жиҳатдан тадқиқ этади. Таъсирчан нутқ дейилганда, тингловчи ва ўқувчининг диққат-эътиборини жалб қила оладиган

68 <http://www.americanrhetoric.com/>

69 Гандапас Р. Советы для оратора. – М.: Прогресс, 1980. – С. 14-16.

70 Иномхўжаев С. Ноти лик санъати асослари. – Т.: Ў итувчи, 1982. – Б. 122-124.

71 Ожегов С.И. Словарь русского языка. – М.: Русский язык, 1987. – С. 554.

72 Ўзбек тилининг изо ли лу ати. 5 жилдли. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2007. 3-ж. – Б. 387.

ҳамда уларда қизиқиш уйғота оладиган хусусиятларга эга нутққа айтилади.

Демак, риторика нутқ маданиятининг аспектидан бири сифатида талқин этилади. Нутқ маданияти дейганда, мулоқот ва нутқ мақсадига кўра тил воситаларидан тўғри ва ўринли фойдаланиш тушунилса, риторикага эса тўғри ҳамда ўринли нутқни тингловчиларга етказиб бериш йўллари ва усулларини ўрганувчи аспект сифатида қаралади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, тилда меъёр билан боғлиқ қоидаларга риоя қилиш, нутқнинг тўғрилиги, аниқлиги, тозаллиги, жўялилиги, мантиқийлиги каби бир қатор коммуникатив сифатларга қўйилган талабларга амал қилиш, нутқ одоби билан боғлиқ бўлган қонуниятлар ҳамда нотиклик назарияси асослари сирларидан бохабар бўлиш мулоқот жараёнида юқори нутқ маданиятини таъминлашнинг муҳим омилдир.

EXPERIENCE IN STUDYING AND CLASSIFYING COMPOSITE SENTENCES IN ENGLISH AND RUSSIAN LANGUAGES

Murtazaeva Dinara

University of NUUZ

ANNOTATION

In the process of developing the theory of complex sentences, the question of methods for classifying composite sentences has repeatedly arisen. It received different solutions depending on the general approach to the problem of composite sentences and his attitude to a simple sentence. The history of the doctrine of composite sentences, methods of classification of its varieties are reflected in a number of works.

KEY WORDS: linguistics, classification, composite sentence, simple sentence, coordinating conjunctions, subordinating conjunctions, syndetic and asyndetic words.

Over the past 70-80 years, a number of researchers have expressed doubts in various works on the syntax of a complex sentence about the expediency of preserving in science the traditional scheme of dividing conjunctions between parts of a composite sentence into syndetic and asyndetic. This division is based on the difference in means of communication: in syndetic composite sentences, conjunctions and syndetic words are used to connect parts into a single whole: in asyndetic composite sentences, the constituent parts are combined without the help of conjunctions and syndetic words. According to the nature of the connection and the ways of expressing the relations between the parts, syndetic composite sentences are usually divided into two types: compound and co.

In the theory of grammar of modern English, Professor G.M.Khoshimov generalizes the classification of a composite sentence, where a composite sentence is divided into: compound, complex and mixed.

In the theory of grammar of modern English, Professor G.M. Khoshimov generalizes the classification of a composite sentence, where a composite sentence is divided into: compound, compound and mixed.

Professor G.M.Khoshimov in his very interesting monograph writes that taxis for each language is divided into two sublevels: monotaxeme (sublevel of a simple sentence); politaxeme (sublevel of a complex sentence). Only Professor G.M.Khoshimov in his works listed all the levels and types of polytaxis. The corresponding terms for each subtype were also given: a) parataxis (sublevel of a compound sentence); b) hypotaxis (sublevel of a compound sentence); c) collotaxis (sublevel of a compound sentence); d) parentaxis (sublevel of a complex sentence); e) hypertaxis (sublevel of a complex mixed (compound and compound) sentence); f) supertaxis (sublevel of a multi-complex sentence); g) ultrataxis (sublevel of a super-complex sentence); h) architaxis (sublevel of an arch-complex sentence).

Examples for each subtype:

a) parataxis

1. Вот откуда-то доносится отрывистый, тревожный крик не уснувшей птицы, или раздается неопределенный звук.

2. His fantasy was not great, however, and he soon ended up with the declaration that now, thanks to God's help, he, too, had a radio receiving set.

b) hypotaxis

1. Мы увидели новый дом, который строители недавно сдали в эксплуатацию;

2. In the juices are vitamins which are presumably beneficial to the customers, while the sale of juices is indubitably of benefit to fruit merchants.

c) collotaxis

1. Стало совсем почти светло, лыжня далеко была видна впереди.

2. Хотел рисовать – кисти выпадали из рук.

d) parentaxis

e) hypertaxis

1. That was not the design of the forest around Moscow, to which our eyes were accustomed, where you will find red and bright yellow and soft brown.

2. We were still pushing our way through the crowd, which surrounded the stadium when we heard the frightful baying of the ambulance.

f) supertaxis

1. When our elated discussion passed into the stage of incomprehensible shouts, Mr. Adams suddenly jumped off the couch, caught his head in his hands, squinted in dumb desperation, and stood like that for a full minute.

2. Six days later, in the very same place, we saw a metal machine doing the work of the girl automatically—and at the same time it gave off pleasant chimes, which, of course, one could not very well expect from the girl. We remembered also the story we heard in New York of a certain Negro who worked on a wharf as a controller, counting bales of cotton.

g) ultrataxis

1. So acutely did Mrs. Dashwood feel this ungracious behaviour, and so earnestly

did she despise her daughter-in-law for it, that, on the arrival of the latter, she would have quitted the house for ever, had not the entreaty of her eldest girl induced her first to reflect on the propriety of going, and her own tender love for all her three children determined her afterwards to stay, and for their sakes avoid a breach with their brother.

2. Among other public buildings in a certain town, which for many reasons it will be prudent to refrain from mentioning, and to which I will assign no fictitious name, there is one anciently common to most towns, great or small: to wit, a workhouse, and in this workhouse was born; on a day and date which I need not trouble myself to repeat, in as much as it can be of no possible consequence to the reader, in this stage of the business at all events, the item of mortality whose name is prefixed to the head of this chapter.

h) architaxis

1. People lived on in it and there were hospitals and cafes around the square and the long avenue of trees that led to the square, these with there being girls in the town, the King passing in his motor car, sometimes now seeing his face and little long necked body and gray beard like a goat's chin tuft, all these with the sudden interiors of houses that had lost a wall through shelling, with plaster and rubble in their gardens and sometimes in the street, and the whole thing going well on the Carso made the fall very different from the last fall when we had been in the country.

Based on the lecture of Professor G.M.Khoshimov, we determine that compound sentences forming a semantic, structural and intonational whole are interconnected by coordinating conjunctions, such as: *and, and ... Neither, or, nevertheless, so, but not only ... but also*. Compound sentences are distinguished by their structure into: connective; separative; contrastive; causal. There are semantic types of compound sentences: narrative; motivational; interrogative and exclamation sentences. There are also such sentences in which both narrative and exclamation parts are given: *After all, she concluded, a monkey is a ridiculous animal, and how clever of Tristram to recognize the need for just such as a ridiculousness among his dinner parties*.

Composite sentence, the parts of which form a semantic, intonational and structural unity and are connected by subordinating conjunctions or syndetic words is called a complex sentence. For example, conjunctions: *that, if, after, because, who, who, when, where, as soon as, as long as, so long as, in order that, according as*, and others. One part of a complex sentence that includes a subordinating conjunction or a syndetic

word is subordinate to another and is called subordinate, the other part that syntactically subordinates the subordinate is called the main.

E.V.Gulyga divides a composite sentence into the following: compound, complex, asyndetic complex and complex sentence with different types of communication. Here the compound is characterized by the presence of a coordinate connection between simple sentences. Simple sentences are connected by coordinating conjunctions. A complex sentence is characterized by a subordinate connection between simple sentences. It consists of a main sentence and one or more subordinate clauses. Simple sentences are connected by subordinating conjunctions or syndetic words, preceded by a comma. In a asyndetic composite sentence, there are no conjunctions and syndetic words, although in many cases it is possible to substitute a conjunction at the place of separation of simple sentences. The connection between the sentences is only semantic. In complex syntactic constructions, combinations are presented:

- coordinate and subordinate relationship,
- coordinate and asyndetic,
- subordinate and asyndetic,
- coordinate, subordinate and asyndetic.

T.G.Kozyreva distinguishes between composite sentences with a syndetic connection and composite sentences with an asyndetic connection in modern Russian. Composite sentences with a syndetic connection are divided, in turn, into two groups, depending on the type of conjunctions: these are 1) compound sentences — with coordinating conjunctions and 2) complex sentences — with subordinating conjunctions and syndetic words. Such a division of composite sentences is given in many manuals, for example, in the manual of N. S. Valgina; V. V. Babaytseva and Yu. Maximov; edited by D. E. Rosenthal and others.

The original concept of a composite sentence in English was developed by L. L. Iofik. It is based on the desire to comprehend a composite sentence as a syntactic unity, to describe it not as a quantity formed by the addition of simple sentences, but in terms peculiar to this object of categories. Having established four types of connection of predicative units—coordinate, relative attachment, subordination and connective connection, L. L. Iofik defines a system of types of predicative units as including, respec-

tively, independent, semi-dependent, dependent and introductory predicative units. The separation of simple (monopredicative) and composite (polypredicative) sentences as the main dichotomy, in contrast to the traditional trichotomy (simple, compound and complex).

Akimova T.G. divides a composite sentence into the following: compound, complex, asyndetic complex and complex sentence with different types of communication. Here the compound is characterized by the presence of a coordinate connection between simple sentences. Simple sentences are connected by coordinating conjunctions. A complex sentence is characterized by a subordinating relationship between simple sentences. It consists of a main sentence and one or more subordinate clauses. Simple sentences are connected by subordinating conjunctions or syndetic words, preceded by a comma. In an asyndetic complex sentence, there are no conjunctions and syndetic words, although in many cases it is possible to substitute a conjunction at the place of separation of simple sentences. The connection between the sentences is only semantic.

Professor V.V.Vinogradov believes that the following groups of coordinating conjunctions can be distinguished in modern English:

1.Connecting. 2. Separators. 3. Nasty. 4. Investigative and effective. 5. Causal.

All the listed groups of conjunctions act within a compound sentence, expressing certain relations between the connected sentences. The connective conjunctions is the most numerous group of unions, the category of which in English includes the following: and; not only... but; not only ... but also; as well ... as; neither ... nor; both ... and; nor; the conjunction neither, with the negation related to it; the conjunction nor, with the negation related to it; the combination of the conjunction and conjunction so; the combination of the conjunction of “and” and conjunction yet .

Based on what was said earlier, it should be concluded that the study of methods for classifying composite sentences in English and Russian within the framework of current linguistic science is a continuously progressive phenomenon, because the communicative function of the sentence is at the heart of the formation of every human civilization. In this article, the method of classification of composite sentences was studied, the place of a composite sentence among the syntactic hierarchical component was determined; the desire was revealed definitions of the representation of a composite sentence, its characteristic features.

THE LIST OF USED LITERATURE:

1. Акимова Т.Г. Сложноподчиненное предложение с придаточного времени в современном французском и английском языках. Автореф. дис. канд. филол. наук. Л., 1978.
2. Биренбаум Я.Г. К теории сложного предложения. //ВЯ.,1982.
3. Виноградов В.А. Методы типологии/ Общее языкознание. М., 1973.
4. Гулыга Е. В. Теория сложноподчиненного предложения в современном немецком языке. М., 1971.
5. Ильиш Б.А. Современный английский язык. М., 1948.
6. Иофик Л.Л. Проблема структуры сложного предложения в новоанглийском языке: Автореф. дис. ...докт. филол. наук. Л., 1965.
7. Хошимов Г.М. Теория грамматики современного английского языка. Андижан, 2013, С 54-83

**ЯНГИ ТУҒИЛГАН ЧАҚАЛОҚЛАР НЕОНАТАЛ ДАВРИДА
РЕСПИРАТОР БРОНХИОЛА ДЕВОРЛАРИ МОРФОЛОГИК
ТУЗИЛИШИНИ БАҲОЛАШ НАТИЖАЛАРИ**

Султонов Равшан Комилжонович, Садиқова Зумрат Шавкатовна, Асомова
Гулнигор Воҳид қизи.

Тошкент тиббиёт академияси,

Одам анатомияси ва ОХТА кафедраси.

e-mail: ravshan.sultan1987@gmail.com

+998945195500

Аннотация: Ушбу мақолада чақалоқларнинг неонатал даврида нафас тизими ривожланиши ўпка паренхимаси респиратор бронхиолаларни морфологик тўзилишини тарақиёт даврларини, такомил топиб бориш динамикаси, тузилиши ҳақида тадқиқот олиб борилган.

Гўдақлар бир ойлик даврида респиратор бронхиолалар барча қатламлари яхши такомил топмаганлиги, бир ёшгача бўлган вақтда қопловчи эпителийси кўп қаторлидан бир қаватлиги, хусусий пластинкаси шаклланмаган бириктирувчи тўқимадан шаклланаётган тўқимага, тоғай халқалари сийрак хондроидли ва хужайрали тузилишдан майда хужайрали зич хондроматоз тўқимага айланиб бориши исботланди.

Калит сўзлар: Чақалоқ, ўпка, респиратор бронхиола, постнатал онтогенетик босқич, гистокимёвий, гистологик, гемотоксилин-эозин, Ван-Гизон.

Муаммонинг долзарблиги: Жаҳон соғлиқни сақлаш маълумотларига кўра дунё тиббиёт соҳасида болалар ўлими энг асосий муаммолардан бири бўлиб келмоқда. Бугунги кунда болалар ўлими даражаси 1000 та тирик туғилган болаларда 15,6% тўғри келишига қарамасдан болалар туғилиши кўрсаткичи жуда паст, яни 9,1%ташқил қилмоқда. [9]

Ўткир респиратор дестресс синдроми (ЎРДС)- нафас тизими касалликлари орасида энг кўп ва тез-тез ўчрайдиган муаммолардан бири ҳисобланади. Европада касалланиш 1000 та туғилган болаларнинг 13-30% да, Америка қушма штатларида эса 45-75% ҳолатлар, Россия федерациясида йилига 15000-25000 гача ҳолатлар қайд қилинмоқди. ЎРДС касалхоналарда ўлим кўрсаткичи 34,9-

57% гача кўзатилди [1].

Ўткир респиратор дестресс синдроми (ЎРДС)-эрта тўғилган чақалоқларнинг 41,9% га хосдир, унинг ривожланиши бевосита (тўғма пневмония, амнион суяқликни аспирацияси) ва билвосита (оғир пренатал гипоксия, ишемия, шок, геморрагик синдром) зарар етказувчи омиллар [2].

Инсонларда ҳомиладоликнинг 20 ҳафтасида бачадонда ўпка газ алмашинув юзларининг шаклланиши эмбрионал ривожланишнинг 20 ҳафтасида бачадонда бошланади. Эмбрионнинг ўпка паренхимасида проксимал ҳаво йўллариининг стереотипик шохланиши 16-18 ҳафтада бронхоалвеолалар ўтиш жойларида нисбатан эрта тугайди. Дистал ҳар бир бронхоалвеолалар йўл эса тахминан 5 та бармоқсимон алвеолалар йўллар пайдо қилади ва плеврага қараб ташқарига шохланади. Алвеола ҳаво қопчаларининг кўп қисми алвеолар йўлнинг ён томонларидан ҳосил бўлади [3].

Ҳаётий текширишларда шу нарса маълум бўлдики, соғлом бола ўпкаси бронх дарахти шиллиқ қаватида семиз ҳужайралар сони 74,8-87,2 бронхиал астмада эса 135,6 гача (1мм² эпителийда) кўпайиб кетиши маълум бўлди. Ёшнинг давр динамикасида ўсиши бронх дарахти шиллиқ қаватидаги семиз ҳужайралар сони ва типларини 3 ёшгача ошиб борганлиги аниқланди [4].


Ҳомила ва янги тўғилган чақалоқлар ороганларининг ёш хусусиятларини ва морфологик ва морфометрик хусусиятларини ўрганиш нафақат морфологифанлари, балки неонатология ва педиатрия каби клиник фанлар учун ҳам қизиқиш ўйғотди [5].

Амнион суяқлигининг бузилиши бир қатор ҳомила касалликларининг жиддий асорати бўлиб, ҳомила ва она организми ўртасида моддалар алмашинувининг бўзилишларини акс этиради. Айниқса бу иммун ҳимоя паст бўлган ҳомиладорлик даврларида [6]. Ҳозирги вақтда амнион суяқлик бўзилиши текширувларнинг 85-90% ташкил қилиб, 10-15% эса антеген-антитело бирикиши гемолиз билан боғлиқ ва шунга мос равишда иммунитет пасайишининг ривожланиши билан боғлиқ [7-8].

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, бир ойлик чақалоқларда ўпка бронх дарахтини постнатал онтогенезда ривожланишини ўрганишга қаратилган илмий-тадқиқот ишларини ўтказиш зарурлигини тақозо этади.

Тадқиқотнинг мақсади: Бир ойлик бўлган чақалоқларда ўпка паренхимасидаги респиратор бронхиолалар деворининг постнатал онтогенезда морфологик тўзилишини баҳолаш.

Тадқиқот материаллари ва усуллари: Текширув Республика паталогик анатомия марказида 2021-2022 йил III -чорада қабул қилинган бир ойлик бўлган гўдаклар мурдаси устида олиб борилди. Турли омиллар таъсирида вафот этган, бироқ, нафас олиш тизими ўзгармаган чақалоқлар ўпка бронх йўлларида касалликлари бўлмаган асосан юрак нуқсонлари ва бошқа сабаблар натижасида вафот этган болалар мурдасида ўрганилди. Ўлим сабаблари ва асосий касаллик паталогик анатомия ҳулосаларида аниқланган. Текширув материаллари ўпкаларнинг қуйидаги қисмидан олинди: Ўпка чўққи қисми, ўпка дарвоза қисми, ўпка пастки бўлак қисмидаги тўқималарда жойлашган респиратор бронхиолалардан аутопсия материаллари олиб ўрганилди. Тадқиқотимизда инструментал (штангенциркуль ёрдамида), умумгистологик, гистокимёвий, морфометрия ва статистик тадқиқот усуллари қўланилди. Олинган материаллар формалинга солиб қуйилди ва кейинчалик 3-5 мкм кесмалар таёрланди. Уларни гематоксилин-эозин, Шик реакция, Ван-Гизон усуллари билан бўялди.



1-расм. Бир ойлик чақалоқнинг бронхларини электронштангенциркул ёрдамида ўлчамини олиш. (а-бир ойлик чақалоқ бронх девори қалинлигини ўлчаш, б- бир ойлик чақалоқнинг ўпкасидаги бронх ички диаметрини ўлчаш, в- бир ойлик чақалоқнинг ўнг ўпка бўлак массасини ўлчаш).


Тадқиқот натижалари: Биз ушбу тадқиқотимизда ўпка паренхимасида жойлашган респиратор бронхиола деворининг ўзига хос ўзгариб боришининг микроскопик тасвирини ўрганишни мақсад қилиб олдик. Тадқиқотимизда бир ойлик бўлган чақалоқларнинг ўрганишда кичик гуруҳчаларга бўлиб олдик ва текширув олиб бордик.

Бир ойгача бўлган чақалоқларнинг ёши ва жинси бўйича материалларнинг тақсимланиши аbc, %.


Ёш гуруҳлар	Умумий болалар	Болалар	
		Ўғил	Қиз
0-7 кунлик	12	7 нафар (9,3%)	5 нафар (6,7%)
7-14 кунлик	13	7 нафар (9,3%)	6 нафар (8%)
14-20 кунлик	25	15 нафар (20%)	10 нафар (13,3%)
20-28 кунлик	25	11 нафар (14,6%)	14 нафар (18,6%)
Жами	75	44 нафар (58,6%)	31 нафар (41,4%)

Тадқиқотимизда олинган макроскопик ва микроскопик препаратлар янги тўғилиб вафот этган 1 ойгача бўлган гўдаклар мўрдаси олинди. Текширувда жинс бўйича 44 нафар (58,6%) ўғил болалар, 31 нафар (41,4%) қиз болалар ташкил қилди. Жинс бўйича тақсимот 1,41:1 нисбатни ташкил қилди.

Микроскопик текширув натижаларида, респиратор бронхиола бевосита ўпка тўқимасида жойлашган бўлиб, унинг девори фақат бир қаватли призматик эпителийдан иборат эканлиги (2-расмга қаранг), хатто базал мембранаси ўпка тўқимасига тутшиб кетганлиги аниқланди. Бунда, қопловчи эпителиysi бир қаватли призматик бўлганлиги билан айрим жойларида бўйи узун бўлганлигидан цилиндрсимон эпителийга ўхшаб кетади. Ядролари асосан базал қисмида жойлашган, лекин айримлари хужайранинг ўрта қисмида жой эгаллаганлиги аниқланди, цитоплазмаси эозинофилли донадор кўринишга эга эканлиги аниқланди.




2-расм. Респиратор бронхиола, бир ойлик давр. Бронхиоланинг девори фақат қопловчи эпителийдан иборат. Гематоксилин-эозин усулида бўялган. 10x40 ўлчамда катталаштирилган тасвири.



3-расм. Респиратор бронхиола, бир ойлик давр. Респиратор бронхиола деворида фақат базал мембранасида микрофуксинли толалар мавжуд. Ван-Гизон усулида бўялган. 10x40 ўлчамда катталаштирилган тасвири.

Гистокимёвий текширув шуни кўрсатдики, респиратор бронхиола деворидаги бир қаватли призматик эпителий остида пикрофуксин билан очроқ бўялган базал мембрана мавжудлиги аниқланди (3-расмга қаранг). Бронхиола атрофидаги артерия томири деворида бир-нечта қаватдан иборат пикрофуксин билан мусбат бўялган коллаген толалар ва бу толалар бронхиола базал мембранаси билан туташиб кетганлиги топилди.

Углевод таркибли моддаларни аниқлаш учун ШИК-реакцияси билан гистокимёвий усулда бўялганда респиратор бронхиола деворининг базал мембранасига туташган атрофдаги ўпка тўқимаси бириктирувчи тўқимасининг оралик моддасида толалар кўринишидаги мукополисахаридлар тўри мавжудлиги аниқланди (4 расмга қаранг). Улардан пайдо бўлган толали тузилмалардан нисбатан юпқа айлана ҳолда жойлашган, базал мембрана билан қўшилиб кетган мукополисахаридлар толали кўринишда аниқланди.



4-расм. Респиратор бронхиола, бир ойлик давр. Бронхиола базал мембранаси ва ўпка тўқимасида мукополисахаридларнинг толали кўриниши кузатилади. Гематоксилин-эозин усулида бўялган. 10x40 ўлчамда катталаштирилган тасвири.

Болалар ўртасида ўлим кўрсаткичининг юқори даражада эканлиги ҳомиланинг

ривожланиш даврларига, онанинг ёндош касалликлари, турли хил салбий одалари (наркомания, алкоголь истемоли, сегарет чекиш...) ва атроф- мухит омиллари ҳам ҳомила эмбриогенезига катта зарар етказди.

Хулоса: Ҳомила туғилишга тайёргарлик қилиш этапларида 3 та даврни босиб ўтади, 20 хафталигида бронхлар дарахти тўлиқ ташкил топади, 28-хафталикга келиб, бронхлар ҳам узунасига, ҳам энига 1,7 баробар ўсади, 36-хафталикга келиб асосан бронхлар энига кенгайди.

Респиратор бронхиола бевосита ўпка тўқимасида жойлашган бўлиб, унинг девори фақат бир қаватли призматик эпителийдан иборат бўлиб, хатто базал мембранаси ўпка тўқимасига туташиб кетганлиги аниқланди.

Бронхлар дарахти инсонда махсус вентиляция тизими бўлиб, ўпкага етгунча кичиклашиб, торайиб боради ва респиратор бронхиолалар альвеолаларга туташади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Острый респираторный дистресс-синдром. Под ред. чл.-корреспондента РАМН, профессора В.В. Мороза. Москва: НИИОР РАМН. 2013: 80 с.
2. С.А.Перепелица Острый респираторный дистресс-синдром у недоношенных новорожденных (морфологическое исследование) // *General reanematology*, 2020, 16, 1. Pp-35-44.
3. Warburton D. Overview of Lung Development in the Newborn Human // *Neonatology*. 2017;111(4): Pp -398-401.
4. R.K. Sultonov, Z.Sh. Sodiqova S.B. Boboyorov. Dynamics of Fat Cells of the Bronchial Tree Mucosa in Postnatal Ontogenesis // *Central asian journal of medical and natural sciences*. Volume: 02 Issue: 04 | Jul-Aug 2021. P- 182-184.
5. X.C.Шавоева, С.А.Ульяновская Особенности строения легких у новорожденных детей // *Молодежь, наука, медицина*.-2020.-С.263.
6. de Hann T. R., Oepkes D., Beersma M. F., Walther F. J. Aetiology, diagnosis and treatment of hydrops foetalis. *Current Pediatric Reviews*. 2005; 1, 63-72
7. Suwanrath-Kengpol C., Koranantakul O., Suntharasaj T., Leetanaporn R. Etiology and out-come of nonimmune hydrops fetalis in southern Thailand. *Gynecol. Obstet. Invest*. 2005; 59: 134-137.

8. Huang H., Tsay P., Chiang M., Lien R., Chou Y. Prognostic factors and clinical features in liveborn neonates with hydrops fetalis. *Am. J. Perinatol.* 2007; 24: 33-38.
9. Алтит Г., Дансеа А., Ренауд К., Перреаулт Т., Ландс Л.С., Сантанна Г. Патология, скрининг и диагностика легочной гипертензии у детей с бронхолегочной дисплазией (обзор литературы) // *Неонатология: новости, мнения, обучение.* 2017. № 1 (15). С. 24-38.

Оценка психологического состояния пациентов после перенесенной ампутации на раннем этапе реабилитации

М.Х.Шокиров

Национальный центр реабилитации и протезирования лиц с инвалидностью

Аннотация. Проведено исследование психического состояния пациентов на раннем этапе реабилитации после ампутации нижней конечности. Выявлены типы реакций на ампутации, взаимосвязь механизмов адаптации, социальных и биологических факторов с возникновением культи нижних конечностей. Предложена разработка новых программ ранней профилактической ампутации.

Ключевые слова: реабилитация, реабилитационный потенциал, психологические аспекты реабилитации, ампутация, показания, лиц с инвалидностью.

Annotation. The study of the mental state of patients at the early stage of rehabilitation after amputation of the lower limb was carried out. The types of reactions to amputations, the relationship of adaptation mechanisms, social and biological factors with the appearance of the stump of the lower extremities were revealed. The development of new programs for early preventive amputation is proposed.

Цель исследования: Изучение психологического состояния пациентов после произведенной ампутации на раннем этапе реабилитации для разработки эффективных мероприятий для дальнейшей их реабилитации и социальной адаптации, а также для разработки методов медицинской профилактики пациентов группы риска. При выборе комплекса методик для экспериментально-психологического исследования были учтены следующие принципы:

- относительная простота применяемых методик;
- полнота изучения исследуемого явления;
- взаимная дополняемость применяемых методик;
- высокая суммарная инвалидность;
- достаточная чувствительность к изменению показателей в процессе

реабилитации.

Главной задачей экспериментально-патологического исследования является изучение собственного отношения пациента к болезни и самооценки больными значимости влияния ампутации на их социальный статус и социальные эмоциональные сферы.

Материалы и методы.

При проведении исследования использованы:

- анкета опросник тест Национального медицинского исследовательского центра психиатрии и неврологии им. В.М. Бехтерева;
- гносеологическая диагностика отношения к ампутации;
- шкала самооценки и оценка тревоги Ч. Спилберга;
- Торонтская Алекситимическая Шкала (Toronto Alexithymia Scale, TAS)
- клинический опросник, предназначенный для изучения такой личностной характеристики, как алекситимия, заключающейся в снижении или отсутствии способности к распознаванию, дифференцированию и выражению эмоциональных переживаний и телесных ощущений, адаптированная в НИИ им. Бехтерева;
- опросник Сердюка для изучения самооценки социальной значимости.

Обследованы 90 пациентов, перенесших ампутацию.

Результаты исследования.

При психологическом исследовании низкий социальный статус - среднее-специальное образование выявлено 83 пациентов. Здесь важно уделить внимание к психической адаптации. Психическая адаптация - это процесс приспособления психической деятельности человека к условиям и требованиям окружающей среды, позволяющей устанавливать оптимальные с ней соотношения и удовлетворять свои потребности [1,2,5].

Процесс установления оптимального соответствия личности и окружающей среды, который позволяет индивидууму удовлетворять актуальные потребности и реализовывать связанные с ними значимые цели, при сохранении психического и физического здоровья [3,6].

Трехкомпонентная модель психической адаптации обеспечивает:

- оптимальные соотношения между психическими и физиологическими адаптационными процессами (психофизиологическая адаптация);
- сохранение психического гомеостаза и устойчивого целенаправленного поведения, собственно психическая/психологическая адаптация;
- адекватное взаимодействие с социальным окружением (социально-психологическая адаптация).

Конечная цель адаптации - оптимальный уровень приспособления индивида к реальным условиям жизнедеятельности с сохранением здоровья и ее субъективной ценности, достижение равновесия между индивидуумом и окружающей социальной средой, сохранить спокойствие и реализовать новые возможности для удовлетворения потребностей. Однако, параметры физиологических и психологических возможностей человека не ограничены [3,5].

Длительно существующий стресс или недостаточный уровень адаптационного потенциала может привести к истощению адаптационных и компенсаторных механизмов личности - к нарушению психологической адаптации. Как следствие, к повышению риска возникновения патологических сдвигов. На начальных этапах нарушения психологической адаптации имеют субклинические, донологические характеристики и занимают промежуточное место между практическим психическим здоровьем и конкретной оформившей нервно-психической или психосоматической патологией [1,4].

В литературе особое место уделяется фактором, приводящим к возникновению заболеваний.

При этом выделяются, такие факторы как:

- биологический (генетические, биохимические факторы);
- психологический (конституция, свойство ЦНС, характер, ценности, уровень притязаний, самооценка);
- социальные факторы (социально-экономические кризисы, профессиональные, семейные, экологические воздействия).

Таким образом, стрессовые воздействия лежат в основе провокации большинства заболеваний. При недостаточности адаптогенных механизмов

увеличивается патогенность жизненных событий, которые могут становиться и «пусковым механизмом» в процессе возникновения психических расстройств.

К личностным адаптационным потенциалом относятся:

- физические ресурсы – выносливость – психологические – убеждения;
- самооценка и мораль;
- социальные – социальные поддерживающие системы;
- материальные ресурсы – деньги, оборудование.

В поведении личности мало используются мотивационные проблемно-решающие стратегии как реакция на стресс (копинг-стратегии), что повышает уровень напряженности психологических защит (отрицание, избегание, принятие на себя чрезмерной ответственности). Личность переходит на «аварийный» способ реагирования, что может привести к дальнейшему развитию стресса. Выраженный уровень личностей тревожности, сочетающаяся с высоким уровнем депрессии, был диагностирован у 25 пациентов. [3,4].

При оценке влияния ампутации на разные сферы социального статуса на первое место вышли следующие факторы, как формирование чувства ущербности и снижение физической привлекательности [2,6].

Таким образом, пациенты после перенесенной ампутации испытывают ограничения в удовольствиях, в карьере, времени и материальной сфере. Появляется чувство ущербности и физической непривлекательности. Данные исследования позволили оценить психологическое состояние пациентов с ампутацией для дальнейшей разработки программы ранней первичной профилактики, реабилитации и социальной адаптации.

Выводы:

В настоящее время отсутствуют четкие стандарты профилактических осмотров. В поликлиническом этапе проводится недостаточный объем клинических исследований пациентов. Не используются функциональные пробы. Не назначается и не рекомендуется проведение скрининг обследования 1 раз в год ЭКГ, УЗИ, MRT, уровень глюкозы, холестерина в крови и другие. Ортопедами не проводится дифференциальная диагностика больного, перенесшего ампутацию. Сами пациенты игнорируют изменения в своем состоянии, вовремя не обращаются

за медицинской помощью, игнорируют назначение врача и профилактические мероприятия.

ЛИТЕРАТУРА

1. Травникова Н.Г. «Основные направления психологической помощи инвалидам при трудоустройстве» с 126-129. I Национальный конгресс с международным участием Реабилитация – XXI век Традиции и инновации С.П 14-16 сентябрь 2017 года.
2. Рябиншейн С.Я. «Экспериментальные методики патопсихологии и опыт их применения» (Практическое руководство) Тернополь Обрий 168с, 2004.
3. Войтенко Р.М., Крицкая Л.А. «Структура психологического аспекта реабилитации» с 340-341. I Национальный конгресс с международным участием Реабилитация – XXI век Традиции и инновации С.П 14-16 сентябрь 2017 года.
4. Войтенко Р.М., Крицкая Л.А. «Реабилитация, концепция и методология»- СПб, 2016.- 109с.
5. Осипова А.А. «Общая психокоррекция» №1, Сфера 2002. – 510с.
6. Копсушко Л.А., Владимирова О.Н. «Оценка системы сопровождаемого проживания инвалидов с нарушениями психической функции» журнал Неврологии и психиатрии им. С.С. Корсакова, Том 102, №4, 2022.-с117-122.